ДАЛА ИШЛАРИНИ КОНВЕЙЕР УСУЛИДА ТАШКИЛ ЭТИБ, КЕЛГУСИ ЙИЛ ҲОСИЛИГА ПУХТА ЗАМИН ТАЙЁРЛАЙЛИК!

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТЛАРИ, ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 234 (2525). | 29 ноябрь, жума, 1963 йил. | Баҳоси 2 тийин.

ЮҚОРИЧИРЧИҚЛИКЛАР МАЖБУРИЯТНИ БАЖАРДИЛАР

Суратларда: Юқори Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармасидаги пешқадам пахтакорлардан бир группаси: юқорида (чапдан) «Правда» колхозининг бригада бошлиғи Н. Коритин, шу колхознинг бригада бошлиғи Огай Александр, «Ўзбекистон» колхозининг бригада бошлиғи Ю. Ен. Сен, «Ленинский путь» колхозининг бригада бошлиғи Бон-Дю Ким ўртоқлар. (Пастда, чапдан) «Ўзбекистон» колхозининг бригада бошлиғи А. Абдуқодиров ва «Ленинизм» колхозининг бригада бошлиғи Т. Ҳамроев ўртоқлар.

А. Абалян фотолари.

Бу йил Юқори Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармасининг пахтакорлари баракали хирмон кўтардилар. Улар йил бўйи фидокорона меҳнат қилиб 11 ноябрдаёқ пахта тайёрлаш планини муваффақиятли бажариб, ўртача ҳар гектар ердан 30 центнердан «оқ олтин» топширган эдилар. Район деҳқонлари пландан ташқари кўшимча равишда камида минг тонна «оқ олтин» топшириш мажбуриятини олган эдилар. Эришилган ютуқлар фидокорона меҳнат қилиш билан мустаҳкамланди. Мажбурият ҳисобига пахта топшириш тўхтовсиз давом эттирилди. Социалистик мусобақани кучайтирган деҳқонлар социалистик мажбуриятларини ҳам муваффақиятли адо этдилар. Ватан омборларига ҳаммаси бўлиб 17 минг тоннадан кўпроқ «оқ олтин» топширилди.

Пахтадан мўл ҳосил олишда қатор колхозларнинг меҳнаткашлари самарали ишладилар. Улар ҳосил етиштириш йўлида қандай фидокорона ишлаган бўлсалар, йиғим-теримда ҳам ана шундай ғуюқоқлик кўрсатдилар. Ҳосилнинг бир граммини ҳам ерда нобуд бўлмаслиги учун ҳаракат қилдилар. Буни «Ленинский путь» колхози мисолида яққол кўриш мумкин. Колхозчилар пахта тайёрлаш йиллик планини қариб икки баравар қилиб адо этишга муваффақ бўлдилар. Кўпгина бригадаларда гектар бошига етиштирилган ҳосил 35 центнердан ҳам ошиб кетди.

Пахтадан мўл ҳосил етиштиришда бошқармадаги «Политотдел» колхозининг эришган ютуғи ҳам ғоят даражада катта бўлди. Колхоз ўтган йилдек пахта тайёрлаш бўйича етти йилликка мўлжаллаган маррага етган эди. Лекин бу ғалаба билан колхоз пахтакорлари кифояланиб қолишмади. Бу йил янада зўр матонат кўрсатиб ишладилар. Натижада 500 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан пландаги 38 ўрнига 46 центнердан хирмон кўтарилди. Ўртоқ Григорий Ким бошчилик қилган бригада аъзолари 170 гектар ернинг ҳар гектаридан 47,5 центнердан, Хайрулла Мусоқулов бошлиқ бригада аъзолари эса 152 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 46,5 центнердан ҳосил кўтардилар. Колхозчилар бу ютуққа ҳар бир гектар ердан, ҳар бир килограмм минерал ўғитдан, ҳар бир литр сувдан тўғри фойдаланганликлари туфайли эришдилар.

«Правда» колхозининг азамат деҳқонлари об-ҳаво қийинчиликларини мардонавор енгиб, юқори ҳосилни қўлга киритдилар. Улар ҳар бир грамм пахтани нобуд қилмасдан йиғиштириб олишни таъминладилар. Кўрак чувиш машиналаридан жуда яхши фойдаландилар. Пахта нобудгарчилигига йўл қўйилмади. Шу сababли ҳам ҳосил кўп бўлди. Ўртоқ Н. Коритин бошчилик қилган бригада меҳнаткашларининг ғалабаси катта бўлди. Бу бригада аъзолари ҳар гектар ердан 50 центнердан ошириб хирмон кўтаришга эришдилар. Ўртоқ Александр Огай бошлиқ бригада аъзолари 116 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 45 центнердан ошириб пахта топширдилар.

Планларини бажариб, мажбурият ҳисобига «оқ олтин» топширган Свердлов номли ва «Ўзбекистон» колхози деҳқонларининг ҳам ютуғи катта бўлди.

Юқоричирчиқликлар келгуси йил мўл ҳосили учун ҳам курашни қизитиб юборишдилар. Ҳосили йиғиб-териб олинган майдонлар пешма-пеш шудгор қилинмоқда.

МЎЛ-КЎЛЧИЛИК ДАСТУРХОНИГА КЎПРОҚ ҲИССА ҚЎШАМИЗ

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИГА ЎРТОҚ НИКИТА СЕРГЕЕВИЧ ХРУШЧЕВГА

Бизнинг ҳаммамиз учун ҳам катта воқеа — давлат пахта тайёрлаш планининг бажарилишига бағишланган митингга тўпланган Тошкент областининг меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг табригини зўр қувонч билан кутиб олдилар.

Табрикда ўзбек пахтакорларининг меҳнатига берилган катта баҳо бизларни меҳнатда янги жасорат кўрсатишга руҳлантиради.

Область қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари партия XXII съезди, КПСС Марказий Комитети Пленумларининг қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга бағишланган тарихий қарорларини амалга оширабориб, қадрдон Никита Сергеевич, Сизнинг кўрсатмаларингиз ва маслаҳатларингизга амал қилиб, 23 ноябрда пахта тайёрлаш давлат планини бажардилар. Тайёрлов пунктларига 320 минг тонна — ўтган 1962 йилда тайёрланган жами пахтадан 38 минг тонна кўп «оқ олтин» етказиб берилди.

Бу ғалаба осонликча қўлга киритилмади. Баҳорда ҳам, ёзда ҳам об-ҳаво бизу учун ҳар доим қулай келавермади. Бироқ, қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари партия ташкилотларининг раҳбарлигида бу қийинчиликларнинг ҳаммасини енгдилар ва меҳнатда ғалабага эришдилар.

Ҳар гектар ердан 23 центнердан ҳосил йиғиб олинди. Областнинг кўпгина хўжаликлари партиямиз томонидан белгиланган 25 центнерлик маррани эгалладилар ва ундан ҳам ошириб пахта бердилар.

Социалистик мажбуриятни ошириб бажарган, бир йил ичида гектаридан олинадиган ҳосилдорликни 10 центнер кўпайтирган ва ҳосилнинг анчагина қисмини машинада териб олган Оққўрғон ишлаб чиқариш бошқармаси хўжаликларининг ажойиб муваффақияти ҳаммамизни қувонтиради.

Юқори Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ, Бўка ишлаб чиқариш бошқармаларининг колхоз ва совхозлари ҳам она-Ватанни мўл «оқ олтин» ҳосили билан хурсанд этдилар. Бизнинг илғор хўжаликларимиз — машъалларимиз ҳар йилгидек ҳозир ҳам ёрқин нур сочмоқдалар. Юқори Чирчиқ бошқармасидаги бутун мамлакатга донғи кетган «Политотдел» колхозида ҳар гектар ердан ўртача 45,5 центнердан пахта олинди. Шу бошқармадаги Свердлов номли ва «Правда» колхозларида эса ҳар гектар ердан 36 центнердан ва ундан ҳам ошириб пахта топширилди. Кўпгина колхоз ва совхозларимиз илғорларга эргашиб, уларнинг тажрибаларини қўлланиб ҳосилдорликни оширдилар ва пахтанинг ялпи ҳосилини кўпайтирдилар. Ўрта Чирчиқ бошқармасидаги Охунбобоев номли, Янгийўлдаги «Коммунизм», «ЎзССР 30 йиллиги» колхозлари ва бошқа кўпгина хўжаликлар ҳар гектар ердан 30 центнердан ошириб пахта олдилар.

Область совхозлари ажойиб ғалабани қўлга киритдилар, уларнинг кўпчилиги план ва социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажарди. Бу йил қўлга киритилган ютуқлар колхозчилар, совхоз ишчилари, механизаторлар, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги мутахассислари, ишлаб чиқариш бошқармаларининг ходимлари, «Узсельхозтехника» бирлашмалари, партия ва совет ташкилотлари ходимларининг фидокорона меҳнатлари натижасидир.

Область партия ташкилоти партиянинг қишлоқ хўжалигига раҳбарликни қайта қуриш тўғрисидаги қарорини амалга оширабориб, деҳқончилик маданиятини юксалтириш, меҳнатни ташкил қилиш ва қолоқ хўжаликларнинг экономикасини мустаҳкамлашга қаратилган катта ишларни амалга оширдилар.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг Пахтани харид қилиш ва топшириш нархларини ошириш ҳамда пахтакор колхозларга ғалла сотиш тўғрисидаги қарори пахта етиштиришни кўпайтириш йўлидаги курашда бебаҳо аҳамиятга эга бўлди.

Область колхоз ва совхозлари харид нархларининг оширилганлиги туфайли топширилган пахта учун қўшимча 18 миллион сўм даромад оладилар. Бу хўжаликларимизнинг экономикаси янада мустаҳкамланади, колхозчиларнинг фаровонлиги ошади, демакдир.

Дадил айтиш мумкинки, Никита Сергеевич, агар бизнинг колхоз ва совхозларимиз бу йил кўплаб миқдорда терим машиналари ва пахтачилик учун машиналар, минерал ўғит ва заҳарли химикатлар олмаганларида бугун сизга маълум қилаётган ютуқларга эришаолмаган бўлур эдик. Пахтакорларга берган бу ёрдами ва ғамхўрлиги учун биз жонажон партия ва ҳукуматимиздан чексиз миннатдормиз.

Техника билан яхши қуролланганлигимиз, экиш ишларини қисқа вақт ичида ўтказиш, парваришни таъминлаш ва 90 процент майдондаги ўсимликни иккн томонлама парвариш қилиш ва етиштирилган ҳосилнинг тўртдан бир қисмини — ўтган йилдагидан деярли икки баравар кўп ҳосилни машина билан териб олиш имкониятини берди. Механизациянинг кенг қўлланилиши қўл меҳнати сарфини анча камайтириш ва маҳсулот етиштиришга бўладиган харажатларни озайтириш имкониятини берди.

Пахта — бизнинг асосий бойлигимиз. Пахтачилик — область колхоз-совхоз ишлаб чиқаришнинг етакчи ва ҳал қилувчи тармоғидир. Лекин қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари ҳам область экономикасида муҳим аҳамиятга эга. Бизнинг лубкорларимиз ҳам фидокорона меҳнат қилдилар, эканидан мўл ҳосил етиштириб, давлатга 264 минг тонна, ўтган йилдагидан 11,1 минг тонна кўп каноп поясн сотдилар.

Шунингдек ғалла сотиш плани ҳам муваффақиятли бажарилди. Ватан хазинасига ҳозиргача 2.261.000 пуд — ўтган йили бутун мавсумда топширилганидан деярли икки баравар кўп ғалла етказиб берилди. Сабзаботкорларимиз ҳам ўз ишларини кескин яхшиладилар. Улар давлатга 206 минг тонна сабзавот, 27 минг тонна мева ва узум сотдилар.

Бу йил чорвадорларимиз ва пиллачиларимиз ҳам катта муваффақиятларга эришдилар.

Тошкент областининг меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг табригидан руҳланган ҳолда ҳозирги пайтда ўзларининг бутун кучларини ҳосилнинг сўнгги граммларигачa териб олишга сафарбар қилмоқдалар. Пландан ташқари давлатга кам деганда 5 минг тонна «оқ олтин» сотилади.

1964 йилда пахта ва бошқа экинлардан мўл ҳосил олиш учун ҳозирнинг ўзидаёқ ғамхўрлик қилинмоқда.

Областимиз деҳқонлари партия чақириқлари ва Сизнинг Никита Сергеевич Хрушчев, маслаҳатларингиз ва кўрсатмаларингизга амалий иш билан жавоб бериб, ўз зиммаларига ғалла етиштиришни кескин кўпайтириш юзасидан юксак мажбурият олдилар. Кузги экинлар майдони бу йилдагига қараганда 58 минг гектар кўпайтирилади. Яқин кунларда кузги ғалла экиш тугалланади.

Шу кунларда шудгорлаш, бўз ва партов ерларни ўзлаштириш, шўр ювиш, яхоб бериш ҳамда бошқа кузги-қишки дала ишлари кучайтириб юборилди.

Биз КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматини, сизни ҳурматли Никита Сергеевич Хрушчев, ишонтириб айтамизки, Тошкент областининг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари жонажон Коммунистик партия теварагига маҳкам жипслашиб, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари етиштиришни бундан буён муттасил кўпайтириб бориш учун кучғайратларини аямайдилар ва коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтириш учун муносиб ҳисса қўшадилар.

Калинин ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ М. УБАЙДУЛЛАЕВАга

Партия комитетининг секретари ўртоқ Н. ҚИРҒИЗБОЕВга

Район ижроия комитетининг раиси ўртоқ М. ТОЖИЕВга

Калинин районининг колхозчилари, қишлоқ хўжалик ва сув хўжалиги мутахассислари, ишлаб чиқариш бошқармаси ва «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг ходимлари, партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари партия XXII съезднинг пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш ҳақидаги тарихий қарорларини бажара бориб, пахта етиштиришнинг илғор агротехника усулларини қўлланиш натижасида ва пахтакорлар фидокорона меҳнат қилганликлари туфайли мўл ҳосил етиштирдилар. Улар КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленумини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақага қўшилиб, давлатга пахта сотиш йиллик планини муддатидан илгари — 27 ноябрда бажардилар.

Тайёрлов пунктларига 18530 тонна пахта топширилди. Ҳар гектар ердан 30,2 центнердан пахта териб олинди.

Ўз планларини анча ошириб бажарган «Қизил Ўзбекистон», Ленин номли ва «Коммунизм» колхозлари пахта далаларининг меҳнаткашлари ажойиб муваффақиятларга эришдилар.

Пахта йиғим-теримида пахта териш машиналарининг механик-ҳайдовчилари Абдусаттор Абдукаримов, Шамши Тўлаганов, Абдуғофир Абдужамилов яхши ишладилар ва ўз машиналари бункеридан 70—80 тоннадан пахта тўкдилар.

Бошқарма хўжаликлари давлатга дон, пилла, жун, тухум сотиш планларини бажардилар ва давлатга сабзавот, мева ҳамда полиз экинлари маҳсулоти сотиш юзасидан олган социалистик мажбуриятларини ошириб адо этдилар. Ўтган йиллардагига қараганда уч баравар кўп майдонга кузги бошоқли экинлар экилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети Калинин районининг колхозчиларини, қишлоқ хўжалик ва сув хўжалиги мутахассисларини, ишлаб чиқариш бошқармаси ва «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг ходимларини партия, совет, касаба союз ва комсомол ходимларини, барча меҳнаткашларини катта меҳнат ғалабаси билан қизғин табриклайдилар ва қатъий ишонч билдирадиларки: улар давлатга чорвачилик маҳсулотлари сотиш планларини ҳам бажарадилар, кузги шудгорлашни ўз вақтида ўтказадилар, чорва моллари қишловини ўтказишга ва кўклам дала ишларига яхши тайёргарлик кўрадилар, бундан буён қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини ривожлантиришда янги, янада катта муваффақиятларга эришадилар.

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ | ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ | ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ОБЛАСТЬ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИДА

ЭНГ ЮҚОРИ ҲОСИЛ ЕТИШТИРГАН БОШҚАРМАЛАРГА ҚИЗИЛ БАЙРОҚ

Ўзбекистон КП Тошкент қишлоқ область комитети ва область ижроия комитетининг қарори билан 1963 йилда пахтадан энг юқори ҳосил етиштирган ишлаб чиқариш бошқармаларига топшириш учун Тошкент қишлоқ область комитети ва область ижроия комитетининг Қизил байроғи таъсис этилди.

ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ ишлаб чиқариш бошқармасига (партия комитетининг секретари И. ЛАДУШКИН, ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи М. ҚОДИРОВ, район ижроия комитетининг раиси Э. ИКРОМОВ ўртоқлар);

КАЛИНИН ИШЛАБ чиқариш бошқармасига (партия комитетининг секретари Н. ҚИРҒИЗБОЕВ, ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи М. УБАЙДУЛЛАЕВА, район ижроия комитетининг раиси М. ТОЖИЕВ ўртоқлар) доимий сақлаш учун Қизил байроқлар берилди.

ДЎСТЛИК ШАРТНОМАСИ

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев ва СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев, Чехословакия Социалистик Республикасининг президенти А. Новотний ва Чехословакия Социалистик Республикаси ҳукуматининг раиси И. Ленарт Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Чехословакия ўртасида дўстлик, ўзаро ёрдам ва урушдан кейинги ҳамкорлик тўғрисида иккала давлат 1943 йил 12 декабрда тузган Шартномани 20 йилга узайтириш ҳақидаги протоколни 27 ноябрда Кремлда имзоладилар.

Имзолаш вақтида Г. И. Воронов, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, Н. В. Подгорний, Д. С. Полянский, Н. М. Шверник, К. Т. Мазуров, В. П. Мжаванадзе, Ш. Р. Рашидов, Ю. В. Андропов, П. Н. Демичев, Л. Ф. Ильичев, В. И. Поляков, Б. Н. Пономарев, А. П. Рудаков, В. Н. Титов, А. Н. Шелепин ўртоқлар ва бошқалар ҳозир бўлишди.

Чехословакия томонидан Чехословакия Социалистик Республикаси партия-ҳукумат делегациясининг аъзолари: Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, Чехословакия Социалистик Республикаси ҳукумати раисининг ўринбосари О. Шимунек, Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг аъзоси, Чехословакия Социалистик Республикаси ҳукумати раисининг ўринбосари О. Черник, Чехословакия Социалистик Республикасининг ташқи савдо министри Ф. Гамоуз ҳамда Чехословакиянинг Совет Иттифоқидаги элчиси О. Павловский ҳозир бўлишди.

(ТАСС).

ҒАЛАБАНГИЗ МУБОРАК

Кеча «Қизил Ўзбекистон» колхозининг маданият саройида Калинин ишлаб чиқариш бошқармаси пахтакорларининг ғалабасига бағишланган митинги бўлиб ўтди. Бу ерга аҳдига вафо қилган, йил бўйи пешона тери тўкиб мўл ҳосил етиштирган моҳир механизаторлар, бригада бошлиқлари, чевар теримчилар ва ишлаб чиқариш илғорлари келишган.

Митингни Калинин ишлаб чиқариш бошқармаси партия комитетининг секретари ўртоқ Н. Қиргизбоев қисқача кириш сўзи билан очди. Сўз қишлоқ область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ М. А. Абдураззоқовга берилади. У бошқарма пахтакорларини катта ғалаба билан табриклаб, Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва республика Министрлар Советининг табригини ўқиб берди.

Митингда «Қизил Ўзбекистон» колхозининг раиси А. Матқобулов, «Ўзбекистон» колхозининг сут согувчиси Мунаввара Исоқова, Ленин номли колхоз раиси Т. Нормуҳамедов, Карл Маркс номли колхоз раиси Ғ. Абдуллаев ва бошқа ўртоқлар кўлга киритилган ютуқлар ва келгуси йил мўл ҳосилига кўрилаётган тадбирлар ҳақида гапирдилар.

ГАЗЕТА ВА ЖУРНАЛЛАР—ОММАГА

Эрталаб йўлга чиққан шаҳар транспортларида ҳозиргина босмахонадан келтирилган газеталар сотилади, ишга кетаётган шаҳарликлар ўзлари қизиққан газеталарни олиб, уларни йўл-йўлакай ўқиб борадилар. Эрталаб барвақт туриб йўлга чиққан почтальонлар эса шаҳар ва қишлоқ кўчаларидан ўтиб, хонадонлар даргоҳида пайдо бўладилар. Улар тонг элчисидай обуначиларга янги газета ва журналларни келтирадилар.

Совет кишиси — газета ва журналларни ўзининг энг яқин маслаҳатгўй дўсти ва доно мураббийси деб билади. Шунинг учун ҳам кундалик матбуот хабарларини муштоқ бўлиб кутади.

Совет матбуоти умумхалқ матбуоти. Мамлакатимизнинг турли касбдаги ва турли ёшдаги кишилари матбуот ишларида актив қатнашиб келадилар. Матбуот ишчи-деҳқон меҳнатларига қаттиқ суянади ва улар билан маслаҳатлашиб, уларнинг хат-хабарлари асосида иш олиб боради.

Халқимизнинг кундалик матбуотга бўлаётган қизиқишини газета ва журналлар тиражининг кўпайиб боришидан ва халқ хўжалигининг турли соҳаларида ишлаб келаётган меҳнаткашлар учун газета ва журналлар кўплаб етказиб берилаётганлигидан ҳам билиш мумкин. Мамлакатимизда «Союзпечать» йўли билан тарқатилаётган газета ва журналларнинг бир кунлик тиражи 20 миллион нусхадан ошиб кетган. Областимизда ҳам марказий ва маҳаллий газеталарга обуна бўлувчиларнинг сони илгариги йилларга қараганда анча кўпайган.

Марказий ва маҳаллий газеталарга ва журналларга меҳнаткашларни обуна қилишда «Союзпечать», почта ва алоқа бўлимлари ва шу билан бирга кенг жамоатчилик вакиллари актив иш олиб борадилар.

Шу кунларда 1964 йил учун обуна қилиш ишлари олиб борилмоқда. Турли газета ва журналларга обуна қилишда «Союзпечать»нинг айрим районлардаги ходимлари ва жамоатчилик вакиллари яхши ташаббус кўрсатиб ишламоқдалар. Тошкент шаҳрининг баъзи йирик корхоналарида партия, комсомол ва касаба союз ташкилотлари матбуотнинг коллектив ўртасида тарқалиши ва унга обуна тўплаш иши устидан доимий контроль олиб бормоқдалар. Корхона активлари ва агитаторлари ишчилар ва хизматчилар ўртасида мамлакатимизда нашр этилаётган газета ва журналлар ҳақида суҳбатлар ўтказиб, обуна ишларини тезлаштиришда ва ҳар бир кишининг ўзи қизиққан газета ва журналга обуна бўлишида яқиндан ёрдам кўрсатмоқдалар.

Қишлоқ жойларида матбуотнинг кенг тарқатилишида почта ва алоқа ҳамда мактаб-маориф ходимлари, колхоз ва совхозларнинг активлари катта роль ўйнайдилар. «Союзпечать»нинг Калинин район бўлими ходимлари Оққўрғон районига пахта териш учун борганларида пахтакорлар ўртасида газета ва журналларга обуна бўлиш ҳақида пропаганда олиб бордилар ва у ердаги почта-алоқа ходимларига амалий ёрдам кўрсатдилар, кўп кишиларни газета ва журналларга обуна қилдилар. Ҳозир Оққўрғон, шунингдек Бўка ва Бекобод ишлаб чиқариш бошқармаларида обуна ишлари тугалланай деб қолди.

Газета ва журналларга обуна қилиш ҳамма ерда ҳам яхши олиб борилаяпти деб бўлмайди. Тошкент, Бекобод, Чирчиқ, Олмалиқ ва Янгийўлнинг айрим корхоналарида ва баъзибир колхоз ва совхозларда обуна ишлари жуда суст олиб борилаётир. Янгийўл, Ўртачирчиқ ва Юқоричирчиқ ишлабчиқариш бошқармаларида обуна қилиш ишлари бултурги йилдагига нисбатан ёмон аҳволда. Бу ерлардаги колхоз ва совхозларнинг раҳбар ходимлари ва партия, комсомол ташкилотлари бу иш билан жиддий шуғулланмаётирлар. Омма орасида тушунтириш ишларини олиб бормаётирлар.

Газета ва журналларнинг кенг тарқалиши ва уларга обуна бўлишни ўз вақтида ўтказиш катта сиёсий аҳамиятга эга бўлган иштир. Шунинг учун бу ишга катта эътибор бериш ва уни қисқа муддат ичида ўтказиш талаб этилади. Маҳаллий партия ва совет ташкилотлари, «Союзпечать»нинг жойлардаги ходимлари обуна ишларини қизитиб юбориш учун барча чоралар кўришлари зарур. Янги йилда ҳар бир оилада, ҳар бир хонадонда газета ва журналлар бўлишига эришайлик!

Газета ва журналларнинг кенг тарқалишида жамоатчилик вакилларининг зиммаларига масъулиятли вазифалар юкланган. Улар якка обуначилар билан иш олиб борадилар, уларнинг турли газета ва журналларга обуна бўлишларини расмийлаштирадилар. Шунинг учун жамоатчилик вакиллари «Союзпечать», почта ходимлари билан бирга ҳар бир обуначининг қизиққан газета ва журналига ёзилишига, обуначиларнинг адресларини тўғри ёзишга, обуна муддатларини аниқлашда алоҳида эътибор беришлари керак. Чунки нотўғри адрес ёзилса ва обуна муддати аниқ бўлмаса обуначининг сарсон бўлиши мумкин. Бундай ҳоллар илгариги йилларда айрим жойларда содир бўлган эди. Бу йил бунга чек қўйиш керак!

Ҳаётимизнинг ёрқин кўзгуси бўлган совет матбуоти коммунистик жамият қураётган халқимиз учун хизмат қилади, уни янги муваффақиятларга илҳомлантиради, коммунизмнинг нурли чўққилари сари чорлайди. Матбуот халқимизнинг кундалик ҳаётига сингиб кетган. Шунинг учун уни пропаганда қилиш, газета ва журналларга обуна бўлишни ўз вақтида уюшқоқлик билан ўтказиш—партия, Совет, касаба союз, комсомол ташкилотлари, алоқа ходимлари ва бутун жамоатчиликнинг ғоят муҳим ва шарафли ишидир.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ДЕКАБРЬ ПЛЕНУМИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАЙЛИК

Мўъжизалар

Халқимизнинг яхши бир удуми бор: қўлидан кўп иш келадиган кишини «бу кимё одам» деб мақтаб қўйишади. Ота-боболаримиз топиб айтганларича бор кимёгар — мўъжизакор. Ахир, шундай эмасми! Қўйиб берсангиз улар шундай мўъжизалар яратадиларки, кўриб қойил қоласиз.

Табиий газнинг жуда кўп сирасрорлари бор. Газнинг бу пинҳоний томонлари ҳам химикларимизга жуда яхши маълум. Табиий газимиз кимёгарлар измида десак муболаға бўлмас.

Газ фақат арзон ёқилғигина эмас. У халқ хўжалигимизнинг турли соҳаларида ҳам кенг қўлланилади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Химия институти ҳузурида газ химияси синтези лабораторияси ташкил топди. Бу лаборатория олдида жуда кўп муҳим вазифалар турибди. Химия саноати учун керакли маҳсулотларни ҳосил қилиш йўллари қидирилмоқда. Қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини ошириш йўлида ҳам лаборатория илмий ходимлари кўп иш қилишди. Табиий газни ишга солиб, фойдали ўғитлар тайёрлаш мумкинлигини ҳам амалда исботладилар.

Аммиакли селитра пахта, қоларерса қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини оширувчи энг фойдали ўғитлардан бири. Бу ўғит табиий газни синтезлаш йўли билан олинади. Бу усул билан тайёрланаётган ўғит, очиғини айтганда анча қимматга тушаяпти. Хўш, уни арзон йўл билан тайёрлаш мумкин эмасми?

— Бундан бир-икки йил олдин бу масала газ химияси синтези лабораторияси ходимлари учун муаммо бўлган эди — дейди институт директори Е. Алиев. — Самарали изланиш ва тажрибалар туфайли чиғалинг учи топилди. Сизга айтсам, яқин келгусида аммиакли селитра тайёрлаш анча арзонга тушади.

Биз бу проблеманинг қай йўсинда ҳал қилинаётгани билан қизиқиб қолдик.

— Жуда яхши, — деди ўртоқ Алиев бизнинг мақсадимизни англаб. — Ҳозир лабораториямиз ҳақида илмий ходимларнинг ўзлари айтиб беришгани маъқул.

Газ химияси синтези лабораторияси. Ҳамма иш билан банд. Илмий ходим Ўктам Абдуллаева колба ёнида ўтириб, анализни синчиклаб кўздан кечирмоқда. Кейин билсак У. Абдуллаева газни синтезлаш билан шуғулланаётган экан.

— Ҳозир қишлоқ хўжалигига кўпроқ ўғит керак, — дейди у.— Бу масалани ҳал этиш химия соҳасида тадқиқотлар олиб бораётган олимлар фаолиятига ҳам боғлиқ. Фойдали ўғитни арзон йўл билан тайёрлаш мумкин эмасми, деган савол бизни ўйлантириб қўйганди. Бунинг учун бошқа бир оксидловчи модда топиш зарур эди. Оксидловчи модда ҳам топилди. Бу сув бўғи эди. Аммо, сув бўғи ҳам қимматга тушади. Шунинг учун уни бошқа оксидловчи модда билан алмаштиришга тўғри келди. Корхоналарда нима кўп чиқинди маҳсулотлар. Ана шу ташландиқлар бизнинг проблемамиз учун асосий калит бўлди десак ишонмассиз. Бу гапга ишонаверинг. Ташландиқлар синтезланган газнинг ўрнини бемалол босаолади.

— КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленуми яқинлашгани сари олимларимиз ҳам тадқиқотларни тезроқ якунлаш тараддудини кўришяпти, — дейди ўртоқ Алиев.—«Правда» ва «Известия» газеталарида бир группа олимларнинг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига хати эълон қилинди. Бу хатда катта химия бойликларидан тағин ҳам тўлароқ фойдаланиш юзасидан бир қанча фойдали таклифлар баён қилинди. Унда қишлоқ хўжалик экинларидан муттасил юқори ҳосил олишнинг калити бўлган минерал ўғитлар тўғрисида ҳам фойдали гаплар айтилган.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг минерал ўғитлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш тўғрисидаги чақириғига газ химияси синтези лабораторияси илмий ходимлари ҳам самарали тадқиқотлари билан амалий жавоб бераётирлар. Аммиакли селитрани арзон йўл билан тайёрлаш юзасидан олиб борган илмий кузатишлари бу Пленумга уларнинг муносиб совғаларидир.

А. АЛИЕВ.

Суратда: илмий ходим Ў. Аб дуллаева иш устида.

ХИМИЯ ЯНГИЛИКЛАРИ

▲ Донецк областидаги Констан. тиновка ойна буюмлари заводида ишга туширилган гидроизоляция цехи ойнадан тайёрланган дастлабки газламани ишлаб чиқарди.

▲ Лисичан химия комбинати-да пландан ташқари ўғит ишлаб чиқариш бўйича шахсий ҳисоблар очилди. Бунн аммиак селитраси цехининг аппаратчиси Алексей Снопенко бошлаб берди. У, пландан ташқари 20 тоннадан кўпроқ селитра берди. Илғор ишчи ташаббусини бошқалар ҳам қўллаб-қувватлади.

▲ Ленинграддаги полимерлаштирилган пластмасса илмий-тадқиқот институтининг мутахассислари юқори ёруғлик-техника хоссалари бўлган янги пластикларни яратдилар. Янги полимерлардан тайёрланган лампалар ёруғлик манбаидан фойдаланиш коэффициентини кескин оширишга имкон берди. Улар нурни жуда яхши таратиш хусусиятига эга бўлиб, ёруғлик манбаидан келаётган нурни бир неча баравар ошириб беради.

ОЛИМНИНГ КАШФИЁТИ

Бу воқеа бундан тўрт йил муқаддам бўлган эди. Тошкентдаги биринчи вино заводининг бош инженери хонасига ўрта яшар бир киши кириб келди.

— Қани марҳамат, Наби Убайдуллаевич, — очиқ чеҳра билан қарши олди бош инженер ўртоқ Альтман.— Келганингиз жуда яхши бўлди. Ҳозиргина ўша масала тўғрисида гаплашиб олдик. Ҳаммага маъқул тушди. Бугун-эртага таклиф асосида ишга киришамиз.

Ҳа, ўшанда корхона ишлаб чиқариши учун катта аҳамиятга эга бўлган фойдали ишга қўл урилганди. Тошкент Давлат политехника институти полимерлар проблемаси лабораториясининг раҳбари доцент Наби Убайдуллаевич Ризаев яхши бир таклифни илгари сурди. Олим ион алмаштирувчи смолалар ёрдамида винони тайёрлаш процессида ҳосил бўладиган чиқиндилардан вино кислотаси тайёрлаш мумкинлигини исботлаган эди.

Таклиф завод инженерлари томонидан ўз вақтида қўллаб-қувватланди. Уни амалда кенг қўллаш учун корхона цехларида тажриба ишлари олиб борилди. Вино кислотасини янги методда тайёрлаш учун аввало доимий ҳаракатдаги установкадан кенг фойдаланиш зарур эди.

Шундай қилинди ҳам. Натижада бошланган иш самарали якунланди.

Янги метод билан вино чиқиндиларидан қўплаб вино кислотаси ажратиб олина бошланди. Шуниси аҳамиятлики, бу кислота химия саноати учун зарур моддалардан бири ҳисобланади.

Янги метод қўлланилмасдан аввал вино чиқиндиларининг қариб 50 процента бекорга ташлаб юборилардн. Эндилиқда эса чиқиндилардан мумкин қадар кўпроқ фойдаланиш имкони туғилди.

Доимий ҳаракатдаги установка ўрнатилгач, маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнлари тўла механизациялашди. Ион алмаштирувчи смолалар ёрдамида вино кислотаси тайёрлашга ўтиш билан вино пунктлари ҳар мавсумда 5 минг сўм иқтисод қилина бошлади.

Янги методни ишлаб чиқаришда муваффақиятли қўлланганлиги учун Бутуниттифоқ Халқ Хўжалиги Ютуқлари Виставкаси комитети лаборатория коллективини учинчи даражали диплом билан мукофотлади. Доцент Н. Ризаев катта Кумуш медали билан тақдирланди. Виставка комитети заводнинг бош инженери Р. Альтман, илмий ходим Ш. Собиров ўртоқларни кичик кумуш медаллар билан мукофотлашга қарор қилди.

Завод коллективи полимерлар проблемаси лабораторияси ҳамкорлигидан беҳад хурсанд. Институт олимларининг яқиндан берган кўмаги туфайли корхонани комплекс механизациялашга эришилди.

Бир группа олимларнинг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига ёзган хатида илгари сурилган фикрларга лаборатория ходимлари ҳам яқдиллик билан қўшилдилар. Химия фани ютуқларини ишлаб чиқаришда кенг қўллаймиз, деган шиор билан тадқиқотлар кўламини кенгайтираётган лаборатория илмий ходимлари ҳам партия Марказий Комитети Пленумига муносиб тухфалар ҳозирлашяпти.

Қ. ЖУРАБОЕВ.

ЯНГИ ВАЗИФАЛАР ОЛДИДА

Коммунизмнинг моддий техника базасини яратишда химия саноати асосий ўринлардан бирини эгаллайди. Шу туфайли ҳам партия ва ҳукуматимиз бу соҳани зарбдор фронт деб эълон қилди ва уни ҳар тарафлама ривожлантириш чораларини кўрмоқда. КПСС Марказий Комитетининг шу йил декабрь ойида бўладиган Пленуми ҳам химия саноатини ривожлантириш масалаларини муҳокама қилади.

Чирчиқ электрохимия комбинати коммунистларининг яқинда бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов конференциясида ана шу тўғрида муҳим гаплар бўлди.

— Конференциямиз республика пахтакорларининг ва бутун меҳнаткашларининг ғалаба тўйи бўлиб турган бир пайтда ўтмоқда,— дейди докладчи, электрохимия комбинати партия комитетининг секретари ўртоқ В. Тихомиров.— Бундай улуғ муваффақиятларни қўлга киритишда бизнинг ҳам хиссамиз борлигидан беҳад хурсандмиз.

Дарҳақиқат республика пахта планининг тўлдирилишида Чирчиқ химикларининг улуши катта. Улар қишлоқ хўжалигига мўл-кўл минерал ўғит етказиб бериб, пахта ҳосилдорлигини оширишда деҳқонларга мададкор бўлдилар. Комбинат минерал ўғит ишлаб чиқаришни йилдан-йил кўпайтираётир. Республиканинг йирик химия корхонасининг фидокор коллективи коммунистлар бошчилигида социалистик мусобақани авж олдириб, ўн ойлик планни муддатидан анча илгари адо этдилар. Давлатга пландан ташқари бир неча минглаб тонна аммиак селитраси ва бошқа минерал ўғитлар етказиб берилди.

Чирчиқлик химиклар мамлакатга энг арзон минерал ўғит етказиб бериш ташаббускори бўлдилар. Ҳозир комбинатда табиий газдан ишлаб чиқарилаётган аммиакнинг таннарҳи Иттифоқдаги барча шунга ўхшаш корхоналарда ишлаб чиқарилаётган ўғитдан бир мунча арзон.

Комбинат инженер-техник ходимлари ташкилий техника тадбирларини тинмай амалга оширмоқдалар. Шу йилнинг 10 ойи ичида юзга яқин ана шундай тадбир ишлаб чиқаришга жорий қилинди. Бундан корхона бир неча ўн минг сўм фойда кўрди. Бундай қувончли ютуқларни қўлга киритишда комбинат партия комитети олиб борган оммавий-сиёсий ва тарбиявий ишлар ҳал қилувчи роль ўйнади. Комбинат коллективи коммунистик меҳнат учун бошланган социалистик мусобақада яхши якунларга эришди.

Докладчи ва музокараларда сўзга чиққан ўртоқлар ана шу ютуқлар билан бир қаторда гоҳ-гоҳида рўй бериб турган айрим камчиликлар устида ҳам гапириб ўтдилар. Шу йилнинг ўн ойи мобайнида ишлаб чиқаришда 27 браккинг рўй берганлиги ачинарли ҳолдир. Фақатгина ана шу бракка йўл қўйилганлиги туфайли корхона юзларча тонна аммиакни кам берди. Бу эса цех ва бригадаларда иқтисодий темаларда кам суҳбат ва лекциялар ўтказилаётганлиги, кишилар ўртасида тарбиявий ишларнинг бўшаштириб юборилганлигининг натижасидир.

Контроль ўлчов асбоблари цехининг автоматлаштириш группаси инженери ўртоқ Х. Еникеев цехнинг техник жиҳатдан яхши жиҳозланмаганлиги туфайли энг замонавий асбоблар қўлда ремонт қилинаётгани тўғрисида гапирди. Цех устахонасида атиги бир дона токарлик ва бир дона пармалаш станоги бор холос. Улар ҳам анча эскириб қолган.

Музокарада сўзга чиққан делегат ўртоқ Н. Дежин партия комитетининг ёшлар ўртасида олиб бораётган ишларидаги камчиликлар ҳақида гапирди.

— Партия комитети, — деди у, — коммунизм кишисини тарбиялашдек муҳим ишга жиддий эътибор бериши керак. Ёшларни тарбиялаш коммунизм ишининг ажралмас қисмидир.

Комбинат касаба союз комитети раисининг ўринбосари А. Койда, делегатлардан О. Вязникова, С. Ниёзов, ўртоқлар комбинатда ишчи ва хизматчиларга кўрсатилаётган маданий-манший ишлар ва бу ишда йўл қўйилаётган камчиликлар ҳақида сўзладилар.

Конференция партия комитетининг янги составини сайлади.

В. ПОПОВ.

ЦЕМЕНТЛИ ОЙНАДАН КАТЕР

Қанотли катерларнинг барча деталлари ва корпусини фақат цементли ойнадан ясаш мумкин экан. Бу илгариги пластик ойнадан қилинганига нисбатан 50—100 марта арзон тушади.

Цементли ойна енгил ва чидамли материалдир. У қанчалик кўп музласа ёки эриса сифати шунча юқорилашиб бораверади. Бу хусусияти қиш кунлари ҳам катерларни очиқ ҳавода сақлаш имконини беради. Цементли ойнадан катерлар ясаш технологияси жуда ҳам оддий.

ТАНҚИД ВА ТАҚРИЗ

УМУМХАЛҚ ДАВЛАТИ ТЎҒРИСИДА МУҲИМ АСАР

Марксизм-ленинизмнинг давлат тўғрисидаги таълимоти, унинг ҳозирги замондаги тадбиқи ва ривожланиши масалаларини чуқур ўрганиш ижтимоий фанларнинг муҳим вазифаларидандир. Бу катта илмий проблеманинг актуал масалаларидан бири — Совет умумхалқ давлатининг тарихий такомилидир.

СССРда социализмнинг тўла ва узил-кесил ғалабаси, коммунизм қурилишининг кенг авж олдирилган даври Совет социалистик давлатининг янги тарихий босқичга — умумхалқ давлатига ўтиши билан нишонланди.

Бизнинг мамлакатда умумхалқ давлатининг барқарорлиги совет халқинн беҳад шодлантиради ва фахрлантиради. Умумхалқ давлати ҳақида марксистик назарияни ишлаб чиқишда КПССнинг фаолиятини барча қардош коммунистик партиялар эўр мамнуният билан қўллаб-қувватладилар. Фақат ревизионистлар ва догматик субъективистларгина бу муҳим назарияни бузиб кўрсатишга уринмоқдалар.

СССРда умумхалқ давлатининг таркиб топиши ва ривожланиши масалаларини илмий йўсинда чуқур ўрганиш, уни омма ўртасида кенг тарғиб қилиш ҳамда чет эл ревизионистлари ва догматикларининг хуружларини фош этиш совет тарих, ҳуқуқ ва фалсафа фанларининг шарафли бурчидир. Шу жиҳатдан қараганда, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институтининг олимлари томонидан яратилган ва яқинда нашр этилган, Совет умумхалқ давлатига доир муҳим асар[1]) кенг жамоатчилик диққатини жалб этди. Асарни яратишда тарих ва ҳуқуқ фанлари соҳасидаги тажрибали мутахассислар О. Эшонов, М. Ҳакимовлар билан бирга, ёш олимлар Г. Абдумажидов, Р. Аренберг, Ш. Алиева, Т. Аюпов, А. Валиев, Т. Жалилов, Р. Қодиров, М. Қориев, С. Қосимхўжаев, Ҳ. Пўлатов, Г. Саркисянц, С. Султонов, Ш. Ходиқулов, М. Файзиев, У. Чориёров, Е. Шориналар иштирок этиб, яхши ташаббус кўрсатганлар.

Асар 14 бобдан иборат бўлиб, Совет умумхалқ давлатига доир асосий масалаларни ўз ичига олган. Китобнинг кириш қисмида умумхалқ давлати проблемасига доир илгари босилиб чиққан мақолаларга танқидий обзор берилган.

«Пролетариат диктатураси — капитализмдан социализмга ўтиш даврининг давлати» деб аталган I бобда марксизм-ленинизмнинг давлат тўғрисидаги назарияларининг асослари баён этилади. Бунда пролетариат диктатураси, унинг давлат формаси, Советлар, халқ демократияси тузуми ва унинг хусусиятлари, ишчилар синфининг илғорлиги ва Коммунистик партиянинг раҳбарлиги тўғрисида зарур маълумотлар берилган.

Пролетариат диктатураси давлатининг умумхалқ давлатига ўсиб ўтиши ҳақидаги назарий масалалар II бобда чуқур таҳлил қилинган. Бу бобни ўқиган киши умумхалқ давлати назариясининг асосчиси В. И. Ленининг фикрлари мамлакатимизда рўёбга чиққанлигини тўла тасаввур қила олади. Айни замонда Сталин шахсига сиғиниш оқибати туфайли давлат ҳақидаги назария ва совет қонунчилиги соҳасидаги бузилишлар ва уларни тугатишда КПСС XX, XXII съездларининг тарихий роли кўрсатиб берилган. Бу бобнинг яна бир муҳим томони шуки, унда умумий назарий масалалар Ўзбекистонда Совет ҳокимиятининг ўрнатилиши ва унинг ривожланиш хусусиятлари билан чамбарчас боғлаб ёритилган. Жуда кўп мисоллар ва фактлар асосида китобда шундай хулоса берилган: «СССР халқлари ҳаётида қирқ йилдан ошиқ вақт ичида бўлиб ўтган буюк ўзгаришлар социализмдан коммунизмга ўтишни таъминлади. барча халқларни ижтимоий, иқтисодий ва ғоявий жиҳатдан ягона оилага бирлаштирди. Совет давлати шу аҳил оила барча аъзоларининг истак ва орзуларини акс эттирувчи умумхалқ давлати бўлиб қолди» (48-бет).

Умумхалқ давлати совет халқи суверенитетининг бевосита ифодаси эканлиги III бобда пухта таҳлил қилинган. Китобда айтилишича. Совет умумхалқ давлатида бир синфнинг сиёсий ҳукмронлиги ўрнига энди бутун совет халқининг ҳокимияти — ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар ва халқ интеллигенциясининг сиёсий ҳокимияти ўрнатилди. Эндиликда Совет давлат ҳокимияти ўзининг ижтимоий негизи ва бутун моҳият эътибори билан том маънодаги умумхалқ ҳокимиятидир.

Шу билан бирга, умумхалқ давлати шароитида ҳам ишчилар синфининг жамиятимиздаги раҳбарлик роли алоҳида ўқтириб ўтилади. Ишчилар синфи ўзининг жамиятдаги раҳбарлик ролини партия, Советлар, касаба союзлари, кооператив ташкилотлар, комсомол ҳамда меҳнаткашларнинг жуда кўп сонли жамоат ташкилотлари орқали ва шуларнинг фаолиятида актив қатнашиш билан амалга оширмоқда.

Мамлакатнинг сиёсий негизини ташкил этган ва ўз фаолиятида давлат органлари ва жамоат ташкилотларн белгиларини мужассамлаштирган Советлар билан касаба союзлари, кооперация ва комсомол ташкилотлари, шунингдек бошқа жамоат ташкилотларининг яқинлашиш процессининг тезлашуви умумхалқ давлати учун характерли хусусиятлардан бири эканлиги китобда бирма-бир кўрсатиб берилгани мақсадга мувофиқдир.

Коммунизм қураётган совет халқининг давлатни бошқаришдаги ташаббускорлиги тобора ўсиб бормоқда. Шунинг учун ҳам авторлар умумхалқ давлатининг муҳим фазилатларидан бири — социалистик вакиллик ва бевосита демократияни ривожлантириш ҳамда давлатни бошқаришда жажоатчилик асосларини кенгайтириш процессига алоҳида эътибор берганлар.

Совет жамиятининг қудрати халқлар дўстлигининг тобора мустаҳкамланишига асосланган. Коммунизм қурилиши кенг авж олдирилган даврда социалистик миллатлар биродарлиги ва ҳамкорлигининг янада юқори босқичга кўтарилиши умумхалқ давлатида ўз аксини топади. Асарда умумхалқ давлатининг тенг ҳуқуқли совет социалистик миллатларининг равнақи, ҳамкорлиги ва бирлиги асосига қурилган давлат эканлиги пухта исботлаб берилган.

Ҳозирги пайтда социалистик миллатлар ва уларнг миллий совет социалистик давлатчилигининг ривожланиши бу миллатларнинг янада кўпроқ ва ҳар томонлама бир-бирига яқинлашувидан ва шу мақсадда уларнинг миллий давлат формаларидан тўла фойдаланиши, уларни янада такомиллаштиришидан иборат бўлади. Китобда Совет социалистик давлатчилигининг ҳозирги даврдаги ривожланишини, иттифоқчи республикалар ўртасидаги чегаралар ўзининг илгариги аҳамиятини тобора йўқотиб бораётганлигини кўрсатувчи конкрет мисоллар келтирилади. Масалан, Ўрта Осиёда энг йирик гидроэлектростанция — Нурек ГЭСи Тожикистон территориясидаги Вахш дарёсида қурилмоқда. Унинг лойиҳаси Ленинград, Тошкент ва Тбилиси шаҳарларида тайёрланди. Нурекнинг турбиналари Россия ва Украина саноат корхоналарида ишланмоқда. Нурек энергияси фақат Тожикистон эмас, балки Ўрта Осиёнинг бошқа республикаларига ҳам бориб етади.

Мирзачўл дашти Ўрта Осиё республикалари томонидан ўзлаштирилмоқда. Қарши даштини ўзлаштириш ҳам республикалараро ҳамкорликни талаб қилади. Эстониялик инженерлар ва олимлар Жиззахда йирик саноат марказини қуришда дўстона ёрдам бердилар.

Бухоро гази Ўрта Осиё республикаларидан ташқари Уралга ҳам бормоқда. Булар ҳаммаси ишлаб чиқарувчи кучларни социалистик асосда ривожлантиришнинг маҳсулидир.

КПСС Программасида уқдириб ўтилганидек, коммунизм моддий-техника базасининг яратилиши совет халқларининг янада мустаҳкамроқ бирлашувига олиб боради. Жумладан, Ўрта Осиёдаги миллий совет социалистик республикаларининг тобора ривожланиши ва ўзаро ҳамкорлигининг мустаҳкамланиши натижасида бу ерда ягона иқтисодий район — Ўрта Осиё иқтисодий райони вужудга келди.

Асарда коммунизм қурилиши бевосита кун тартибига қўйилган бир шароитда мамлакатимиз олдида турган жуда катта тарихий вазифалардан умумхалқ давлатининг асосий функциялари келиб чиқиши баён этилади. Бу функциялар хўжалик-ташкилий ишлар, совет гражданларининг ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилиш, маданий-тарбиявий ишлар, тинчлик учун кураш ва барча мамлакатлар билан яхши муносабатлар ўрнатиш, мамлакат мудофаси ва хавфсизлигини таъминлаш, социалистик системага бирлашган мамлакатлар билан ҳамкорликни янада ривожлантириш каби жуда муҳим масалаларни ўз ичига олади.

Партия-давлат контролини ташкил этишнинг ленинча принципларига оид масалаларга китобда махсус боб ажратилган.

Ҳозирги пайтда социалистик ҳуқуқ-тартиботни янада мустаҳкамлаш алоҳида аҳамиятга эга. Китоб авторлари бу масалани конкрет мисоллар ва зарур ҳулосалар билан ёрита олганлар. Халқ қўнгилли дружиналари, ўртоқлик судлари, кузатувчи комиссиялар ва бошқа жамоат ташаббускорлигининг ажойиб намуналари социалистик қонунчиликнинг янги босқичга кўтарилганидан дарак беради.

Партия XX съездининг тарихий қарорлари асосида шахсга сиғинишнинг оқибатларини тугатиш, мамлакатимизда социалистик демократияни янада ривожлантириш соҳасидаги тадбирлар умумхалқ давлати тараққиётини тезлатди. Асарда пролетариат демократиясининг тобора умумхалқ социалистик давлатига айлана борганлиги тўғрисида ишончли далиллар келтирилади.

Асар камчиликлардан ҳам ҳоли эмас. Китобда баъзи масалалар юзаки ёритилган. Масалан, партия-давлат контролини ташкил этишнинг ленинча принципларига доир V бобда гап асосан ҳаммага маълум бўлган умумий масалалар устида боради. Партия-давлат контроли тўғрисидаги низом ва қарорлар мазмуни баён этилади. Лекин бу қисмда авторларнинг ўз фикр-хулосалари кам. Партия-давлат контролининг дастлабки иш фаолияти тўғрисида мисоллар йўқ.

Бу каби камчиликни қисман «Социалистик демократияни янада ривожлантириш — умумхалқ давлати тараққиётининг асосий йўлидир» деган VII бобда ҳам кўриш мумкин.

Китобнинг баъзи саҳифаларида масалага бир томонлама қараш ҳоллари учрайди. Масалан, 18-бетда «Пролетариат ўз душманларига қарши зўрлик ишлатмагани, уларга нисбатан юмшоқлик қилгани учун 1871 йил Париж Коммунаси, 1918—1919 йиллардаги Германия, Венгрия, Финляндиядаги революцияларда мағлубиятга учради» дейилган. Бу ибородан ўша революцияларнинг мағлубиятига фақат пролетариатнинг хатоларигина асосий ва бирдан-бир сабаб бўлган, деган хулоса келиш мумкин. Вақоланки, бунинг яна бир қатор асосий сабаблари бор. Жумладан, халқаро буржуазиянинг революцияни бўғишдаги ҳатти-ҳаракати ва оқ террорчилар ҳуружи айтилмай, масала бир томонлама ёритилган.

Асарнинг 52, 54, 56 ва бошқа бир қанча саҳифаларида умумий назарий қоидалар бир неча марта такрорланади.

Совет умумхалқ давлатининг маданий-тарбиявий функциясига доир масала баён этилганида, коммунизм қурувчисининг ахлоқ кодекси тексти келтирилади. Лекин гап кодекснинг текстида эмас, балки унинг турмушга татбиқ қилинишидадир. Шу масалаларга доир жуда кўп фактлар ва мисоллар турмушда борки, улар билан асарни бойитиш, коммунистик ҳуқуқ ва ахлоқ нормаларининг ҳаётга тобора чуқур сингиб бораётганини кўрсатиш зарур эди.

Юқорида кўрсатилган айрим камчиликлар асарнинг умумий қимматини йўқотмайди, албатта. Китоб илмий жиҳатдан пухта ишланган. Уни ўқиган китобхонларимиз Совет умумхалқ давлати тўғрисида кўпгина муҳим маълумотларга эга бўладилар.

Ҳ. ТУРСУНОВ,
тарих фанлари доктори.

1) «Совет умумхалқ давлати». Бош редактор Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси, профессор О. Эшонов. Тошкент, 1962 йил, 272 бет.

Бўлажак сув ва нур булоғи — Чорвоқ гидроузели қурилишида суръат жадаллашмоқда. Ушбу суратда қурилишнинг зарбдор участкаси ҳисобланган тоннель қазишда фидокорлик кўрсатаётган проходчилардан С. Хан (чап дан) ва В. Сидельников ўртоқларни кўриб турибсиз. Замонамиз фарҳодлари тоғ бағрини тешиб тобора олдинга қараб одим ламоқдалар.

В. Салов ф.-тоҳари.

КАЛИНИН БОШҚАРМАСИ МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ ЗАФАРИ

Она-Ватанга 18.530 тонна пахта, 121 минг тонна сабзавот ва полиз экинлари маҳсулотлари етказиб берилди. Бошқарма азаматлари дон, мева, пилла, жун ва тухум топшириш социалистик мажбуриятларини ҳам шараф билан бажардилар

ХЎЖАЛИКНИ КОМПЛЕКС РИВОЖЛАНТИРАМИЗ

КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги декабрь Пленумини меҳнатда янгидан-янги ғалабалар билан кутиб олиш учун курашаётган бошқармамиз меҳнаткашлари кунданкунга самарали меҳнат қилмоқдалар. Шу кунларда колхоз ва совхоз далаларида ҳар қачонгидан ҳам иш қизғин. Деҳқонларимиз йил бўйи фидокорона меҳнат билан етиштирилган ҳосилни тезроқ йиғиштириб олиш учун курашмоқдалар.

Кеча бошқармамиз хўжаликлари яна бир катта ишга муваффақиятли якун ясадилар. Пахта тайёрлаш плани бажарилди. Бошқарма хўжаликлари Ватан омборига 18 минг 530 тоннадан кўпроқ «оқ олтин» тўкдилар. Етиштирилган ҳосилнинг 80 процентидан кўпроғи биринчи сортларга топширилди. Ўртача ҳар гектар ердан 30,2 центнердан ҳосил олинди.

Бошқармамизнинг меҳнаткашлари пахтадан мўл ҳосил етиштириш йўлида бутун куч ва ғайратларини сафарбар қилдилар. Илғор агротехника фани ютуқларини ишлаб чиқаришга кенг жорий қилиб, деҳқончилик маданиятини янада оширдилар. Натижада кўп майдонларда пахтадан жуда юқори ҳосил етиштирилди.

Ленин номли колхознинг азамат деҳқонлари ҳар туп ғўзада кўпроқ ҳосил етиштириш йўлида куч ва билимларини аямадилар. Ҳарбир колхозчи ўзига топширилган ишни жонидили билан бажарди. Билмаганларини тажрибакорлардан ўрганди. Илғор кишилар ўзларининг ютуқлари билан доимо ўртоқлашиб турдилар Колхозда қилинган меҳнатга ўз вақтида аванс пуллари бериб турилди.

Бу тадбирларнинг ҳаммаси колхозчиларни садоқат билан ишлашга руҳлантирди. Илғор бригадалар пахтадан мисли кўрилмаган ҳосил етиштирдилар. Колхоз ҳар гектар ердан ўртача 36 центнердан пахта топшириб, маррага ҳаммадан олдин етди. Бу хўжаликда фақатгина пахта эмас, сабзавот, полиз махсулотлари, ғўшт, тухум, сут, жун етиштиришда ҳам ана шундай катта кўрсаткичларга эришилди.

Районимиздаги бошқа бир қатор колхозлар ҳам пахтадан мўл ҳосил етиштиришда ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар. Деҳқонлар ишга меҳр қўйишди. Ҳосилдорликни ошириш йўлида кундузни-кечага улаган ҳолда меҳнат қилишди. Шу сабабли ҳам кўпгина майдонларимизда бир йилнинг ичида ҳосилдорлик 8—10 центнерга кўпайди. Айниқса бу соҳада «Қизил Ўзбекистон» колхозининг азамат деҳқонлари мақтовга лойиқ иш қилишди. об-ҳавонинг ҳарқандай қийинчиликларига қарамай, тезроқ маррага етиш учун интилишди. Натижа ёмон бўлмади. Улар ўз сўзларининг устидан чиқиб, йиллик пахта тайёрлаш планини шараф билан бажардилар. Шу колхознинг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Анвар Эгамназаров, «Коммунист» колхозининг Фаттох Набиев, Киров номли колхознинг Тўрабек Чунонов каби пешқадам бригадаларида пахтадан айниқса баракали хирмон кўтарилди.

«Красний водопад» экспериментал базаси, СоюзНИХИ, уруғчилик институтининг ходимлари ҳам пахтачиликни ривожлантиришда, деҳқонларга ёрдам бериш билан бирга ўзлари ҳам ҳар гектар ердан юқори ҳосил олишда катта ютуқларни қўлга киритдилар.

Бошқармамиз меҳнаткашлари даладаги ҳосилни тезда йиғиштириб олишда юқори даражада уюшқоқлик кўрсатдилар. Теримчилар ўртасида социалистик мусобақа байроғини юқори кўтариб, кўп минг килограммчилар сонини кўпайтирдик. Пахтани машина билан теришга эътиборни кучайтирдик. Ҳарбир терим агрегатининг унумли ишлашига эришдик. Ана шунинг натижасида ҳам ҳосил нобуд қилинмасдан қисқа вақт ичида йиғиштириб олинди.

Шуниси қувончлики, бошқармамиз меҳнаткашлари қишлоқ хўжалигининг бошқа экинларидан ҳам ҳар қачонгидан кўпроқ ҳосил етиштирдилар. Шаҳар аҳолисини мўл-кўл сабзавот маҳсулотлари билан таъминлашга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар. Биз давлатга 121 минг тонна сабзавот ва полиз экинлари маҳсулоти етиштириб бердик. Бу эса ўтган йилнинг шу вақтига нисбатан 25 минг тонна кўпдир. Биз сабзавот сотиш юзасидан ўз зиммамизга олган социалистик мажбуриятимизни 104,5 процент қилиб ado этдик. Шу билан бир қаторда келгуси йил мўл ҳосили учун ҳам етарли уруғлик жамғариб қўйдик. Биргина картошканинг ўзидан 17 минг тонна уруғлик тайёрлаб қўйилди.

Бошқарма хўжаликлари давлатга дон, мева, пилла, жун, тухум сотиш юзасидан зиммаларига олган мажбуриятларини ҳам шараф билан бажардилар. КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумини муносиб совғалар билан кутиб олиш учун тайёргарлик кўраётган чорвадорларимиз ҳам чорва моллари қишловини ҳар тарафлама яхши ўтказишга ҳаракат қилмоқдалар. Ҳозир жуда кўп хўжаликларимизда чорва моллари учун мустаҳкам ем-хашак базаси вужудга келтирилди. Биз хашак ва ширали озуқалар тайёрлаш юзасидан берилган топшириқни ҳам анча ошириб бажаришга муваффақ бўлдик.

Бошқармамиз деҳқонлари бир йилда икки марта ҳосил олиш учун барча резервларни ишга солмоқдалар. Суғориладиган ерлардан кўпроқ дон етиштириш йўлларини излаб топишяпти. Биз қисқа вақт ичида суғориладиган 4.100 гектар майдонга кузги дон экиб қўйдик. Шу билан бирга лалмикор ерлардаги донли экинлар майдонини икки баравардан зиёдроқ кўпайтиришга эришдик.

Умуман олганда бошқармамиз меҳнаткашлари 1963 хўжалик йилини муваффақиятли якунлаш учун барча куч ва ғайратларини аямаётирлар.

Яқинда республика партия ва ҳукумати, сабзавот ва полиз экинларидан мўл ҳосил етиштиришни таъминлаган бошқармамиз сабзавотчиларини эришилган ғалабалар билан табрикладилар, сабзавотчиларнинг қилган меҳнатларига юксак баҳо бердилар. Биз қўлга киритган ютуқларни янада мустаҳкамлаймиз. Партия ва ҳукуматимизнинг бизга бўлган ишончини меҳнатда оқлаймиз. Социалистик мусобақани янада кенг қулоч ёйдирамиз. Келгуси йилда пахта, картошка, сабзавот, полиз ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан янада кўпроқ маҳсулот етиштириш учун ҳозирдан бошлаб кузги қишки ишларни ҳар тарафлама жадаллаштириб юборамиз.

М. УБАЙДУЛЛАЕВА.
Калинин ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи.

Н. ҚИРГИЗБОЕВ,
Бошқарма партия комитетининг секретари.

Суратда: «Қизил Ўзбекистон» колхозининг чевар теримчиси ўрток Н. Тожонова.

Бу йил ўзбек диёрининг пахтакор деҳқонлари бутун куч-қувватларини, бутун ғайратларини сарфлаб фидокорона меҳнат қилдилар, мана энди роҳатини кўраяптилар. Кун сайин ғалабага ғалаба, қувончга-қувонч уланиб кетаяпти. Яқиндагина республикамиз ҳам, областимиз ҳам улкан маррага етган эди.

Калинин ишлаб чиқариш бошқармасининг азамат пахтакорлари ҳам йиллик планни шараф билан бажардилар. Бу катта ғалабани қўлга киритишда бошқарма далаларида ҳимматни аямай меҳнат қилган садоқатли кишилар айниқса катта ҳисса қўшишди. Мана бу суратларда ана шундай садоқатли кишиларнинг бир группасини кўриб турибсиз: (чапдан) Мамлакатга донғи кетган «Қизил Ўзбекистон» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. Матқобулов, «Коммунист» колхози партия ташкилотининг секретари Н. Иброҳимова, «Ленинград» колхозининг пешқадам бригадирлари Ш. Валиев, М. Қорахўжаев, «Қизил Ўзбекистон» колхозининг илғор теримчиси А. Нурматов ўртоқлар.

САХИЙ ЕР ҲОСИЛИ

Шаҳар аҳолисини ширин-шакар мева, сабзавот, қовун-тарвуз ва картошка билан таъминлашда бошқармамиз қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари бу йил ҳар қачонгидан ҳам яхши натижаларга эришдилар. Бу маҳсулотларни етиштиришдаги ютуғимиз Ўзбекистон партия ва ҳукумати томонидан юксак баҳоланди. Бошқармаининг бу ғалабасига озми-кўпми ўз ҳиссамизни қўшганлигимиздан фахрланамиз.

Хўжалигимизда асосан картошка, сабзавот етиштирилади. Бугунги кунда унинг ҳамма турн бўйича маҳсулот, топшириш планини ортиғи билан бажардик. Йил бошида 120 гектар майдонга картошка, 166,5 гектар ерга сабзавот, 104 гектар майдонга қовун-тарвуз уруғи эккан эдик. Бундан ташқари ғалла, маккажўхори ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳам етиштирамиз. Йил бошида қиш бўйи кўпчиб ётган ерга экинни ўз муддатида, агротехника қоидасига риоя қилган ҳолда эндик. Кўп қўл кучи талаб қилинадиган ишларни техника ёрдами билан бажаришга киришдик. Натижада баҳорданоқ эртаги маҳсулот билан шаҳар аҳолисини мамнун этабошладик. Маълумки сабзавот етиштириш жуда майда иш, ҳосил битталаб қўлда териб олинади. Ленин, меҳнатсевар аъзоларимиз ишнинг ҳавосини олишган.

Биз бу йил ҳар гектар майдондан 40 тоннадан карам, 35 тоннадан помидор териб олдик. Бундай рекорд ҳосил кўтарган Одилбек Қосимбеков, Нажим Йўлдошев, Баҳром Исроилов ўртоқлар бошқараётган бригада аъзолари бошқа экинлардан ҳам мўл ҳосил олишди. Гектар бошига 13—14 тоннадан картошка, 20—22 тоннадан пиёз етиштиришди.

Хазина ердан ҳар қанча унумли фойдаланилса ҳосилимиз шунчалик кўпаяди, колхозчиларимиз сердаромад бўлади. Шунинг учун биз бир майдондан икки марта ҳосил кўтариш учун қунт билан ишлаймиз. Эртаги экинни йиғиб олиш билан пешма-пеш, ўртагиси, кечиқисини экамиз. Зуҳур Юсупов, Карим Азимов, Ҳасанбой Файзиев, Наби Ҳакимов сингари звено бошлиқларимиз ўзларига беркитилган майдонга икки мартадан экин экиб, сабзавот ҳосилдорлигини гектар ҳисобига 60—85 тоннага етказдилар. Кўп йиллардан бери муттасил юқори ҳосил етиштириб келаётган кекса деҳқон Ғафурбек ака Хошимбеков звеносида гектаридан 30 тоннадан пиёз олингандан кейин кеч ки карам экилганди. Шу кечки карамнинг гектаридан 46,5 тоннадан ҳосил олинди.

Хўжалиндаги ҳамма экин бўйича ҳам шундай ғалабалар қўлга киритилди. Шунинг учун ҳам бошқармада маҳсулот етиштириш йиллик планини биринчилар қаторн бажардик.

Она-Ватан омборларига ғалла, ғўшт, тухум ва бошқа чорва маҳсулотлари сотиш планимизни ҳам юз процентдан ошириб бажардик. Картошка, сабзавот, қовун, тарвуз сотиш планини шараф билан бажарганимиздан сўнг биз яна 400 тонна маҳсулот топшириш учун кўшимча мажбурият олган эдик. Бу ваъдамизни ҳам устидан чиқдик, 400 тонна ўрнига 1300 тонна маҳсулот сотдик.

Иш қуролинг соз бўлса, иш унумнинг ҳам юқори бўлади. Ҳозир барча чопиқ тракторларимизни сифатли ремонтдан чиқараётиримиз. Ариқ ва зовурларни тозалаб, келаси йилда ҳам юқори ҳосил етиштириш учун замин ҳозирлаётирмиз.

Муслим ПУЛАТОВ,
«Партия XX съезди» колхозининг раиси.

ШАҲАРЛИКЛАР ДАСТУРХОНИГА

Чорвачилик маҳсулотлари мўл-кўллиги устида гап кетганда аввало озуқа базаси тўғрисида сўзлаш одат тусига кириб қолган. Тўғриси ҳам шу, чунки озуқа рационининг хилма-хиллиги ва мўллиги чорвачилик маҳсулотларини кўпайтиришнинг муҳим манбаидир. Мен ҳам гапни шундан бошламоқчиман.

Айтиш керакки, бу йил чорва қишловига бизда ҳар қачонгидан ҳам намунали ҳозирлик кўрилди. Хўжалигимизда мустаҳкам озуқа базаси яратилди. Буни қуйидагилардан кўрса бўлади: планлаштирилгандаги 2100 тонна ўрнига 3300 тонна хушхўр силос бостирилди ва пландагидан 210 тонна кўп дағал ем-хашак жамғарилди. Бу бизга йилнинг ҳар қандай мавсумида ҳам бирдек мўл ғўшт ҳам сут маҳсулоти етиштириш имконини бераяпти. Ҳарбир соғин сигирга суткада икки килограммдан кунжара, 40 килограммдан силос, 4 килограммдан хашаки лавлаги, 4 килограммдан дағал хашак бериб келаяпмиз. Яқин кунлардан бошлаб ҳар бош сигирга берилаётган кунжара, лавлаги ва силос миқдори бир мунча кўпайтирилди. Кундуз кунлари қоллар 6 соат мобайнида ҳосилдан бўшаган далаларга, очиқ ҳавога ҳайдалаяпти. Мана шуларнинг эвазига сигирларимиздан кунлик сут соғишни 800—850 килограммдан 950—1000 килограммгача етказиш, ҳатто ундан ҳам оширишга муваффақ бўлаяпмиз.

Фермамизда сут, ғўшт етиштириш планлари муваффақиятли бажарилаяпти. Давлатга сут топшириш йиллик планини 22 декабргача бажариш учун курашаяпмиз. 11 ойлик план ошириб бажарилди. Мавжуд 184 та соғин сигирнинг ҳаммасидан кунига 1000—1025 килограммдан сут соғиб олинаяпти. Планга кўра йил мобайнида 290 тонна сут соғиб олиниши керак. Ҳозиргача эса йиллик планнинг 264 тоннаси миқдорида сут топшириб қўйилди. Чорвадорларимиз йиллик планнинг қолган қисмини декабрь бошларидаёқ ўринларитишга ва пландан ташқари кўпгина сер мой сут соғиб олишга эришиш учун курашмоқдалар.

Бунда моҳир сут соғувчиларимиз Жаҳон Акбарова, Ноила Муротова, Фарида Валишева ва Курбонгул Абашеволарнинг қўшаётган ҳиссаси катта. Бу меҳнатсеварлар ўз боқимларидаги соғин сигирлардан кўпдаб сут соғиб олаяптилар. Улар 11 ойлик топшириқларини муваффақиятли ado этишди.

Давлатга ғўшт топшириш плани ҳам кўнгилдагидек бажарилди. Ҳозиргача пландаги 63 тонна ўрнига 70 тонна семиз ғўшт топширилиб, давлат плани ошириб ado этилди. Яна 100 бош қорамол бўрдоқига боқилаяпти.

Х. БАҲОДИРОВ,
Свердлов номли колхознинг ферма мудири.

ҲИССАМИЗ

Колхозимиз кўптармоқли хўжаликлардан ҳисобланади. Сабзавот етиштиришда ҳам, чорвачиликда ҳам бошқармада йирик хўжаликлар қаторида турамиз. Колхозимиз аъзолари асосан шаҳар аҳолисига кўплаб сабзавот ва полиз экинлари етказиб берадилар. Биз бу шарафли вазифани бажара бориб юксак кўрсаткичларга эришдик. Шаҳарликлар дастурхонига 22 минг 190 тонна сабзавот ва турли полиз экинлари етиштириб, бу соҳада йиллик планни муваффақиятли ado этдик.

Областимиз «оқ олтин» хирмонига ўз ҳиссаларини қўшишга аҳд қилган деҳқонларимиз пахтачиликда ҳам юксак натижага эришдилар. Ҳаммадан ҳам қувонарли томони шундаки, колхозимиз аъзолари иккинчи йил пахта етиштираётган бўлишларига қарамай, баракали хирмон кўтардилар. Ўтган йили ҳар гектар ердан 29 центнердан ҳосил олган бўлсак, бу йил ҳосилдорлик 36 центнерга етди. Зиммамизга олган социалистик мажбуриятимизни ҳам шараф билан бажариб, областимиз хирмонига 1080 тоннадан ортиқ дурдона тўкдик. Пиллик пахта тайёрлаш планини 115 процент бажардик.

Бундай ютуққа мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланганлигимиз, фидокорона меҳнат қилганлигимиз туфайли эришдик. Хўжамурод Мавлонов бошлиқ 4-бригада аъзоларининг ютуқлари мақтовга лойиқ. Улар ҳар гектар ердан 42 центнердан хирмон кўтариб, социалистик мажбуриятларини ҳам шараф билан бажардилар. Юсуф Жўраев бошлиқ 10-бригада азаматлари ҳам бўш келишмади. Бу бригада аъзолари ҳар гектар ердан 35 центнердан ҳосил олиб, маррага пешқадамлар қаторида етиб келдилар.

Сарагул Умбетова, Зуҳра Қурбонова, Азиза Мамажонова, Арабой Одилов сингари илғор теримчиларимиз мавсумда 8—10 тонна пахта теріб, кўпчиликнинг иззат-ҳурматига сазовор бўлишди.

Йил бўйи қилинган меҳнат меваси ўз вақтида нес-нобуд қилмай йиғиб теріб олишда районимиздаги 91-мактаб коллективи яқиндан ёрдам берди.

Колхозимиз давлатга ғўшт топшириш йиллик планини январь ойидаёқ ортиғи билан бажарган эди. Пилла, мева, полиз экинлари сотиш плани ҳам бажарилди.

Шу кунларда келгуси йилга тайёргарлик ишларини қизитиб юбордик. Кузги дон экишни муваффақиятли якунладик. Экинлардан бўшаган ерларни ўғитлаб, сифатли қилиб шудгор қилмоқдамиз. Келаси йил пахта майдонини кенгайтириш режамиз бор. Пахтачиликда ҳосилдорликни ошириш билан бирга шаҳарлик биродарларимизга кўплаб сабзавот ва полиз экинлари, ғўшт, сут ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб беришга ҳаракат киламиз.

Раҳмонали АҲМАДАЛИЕВ,
Ленин номли колхоз партия ташкилотининг секретари.

ЎТТИЗ УЧ ЦЕНТНЕРДАН

Ҳар гектаридан ўттиз уч центнердан ҳосил олдик» план бажарилди. Лекин очиғини айтганда биз бу ютуққа осонликча эришмадик.

Гап шундаки, бу йил об-ҳаво шароити анча ноқулай келди. Ерни экишга сифатли тайёрлаганимиз ва экишни ўз вақтида бошлаганимиз билан барибир қолган ишлар силлиқ бўлмади. Кучли ёмғир ва дўл ёқ-ҳаҳлиги туфайли чигитни ўз вақтида индириб олиш ва ғўза парваришини ҳар томонлама кучайтириб юборишга қийналдик.

Лекин табиат қийинчиликлари олдида қўл қовуштириб туриш ҳақиқий деҳқонга ҳос фазилат эмас. Ана шуни яхши тушунган колхозчиларимиз кўз келганида, ундай бўлди, бундай бўлди, маррага етолмай қолдик, деган баҳоналарга ўрин қолдирмаслик учун ишга астойдил киришдилар. Баъзи ерларга чигит қайта экилди, қатқалоқ туфайли ўсишдан қолаётган ғўзалар алоҳида парвариш қилинди, оширилган миқдорда озуқа берилди.

Ҳосил тупдан олинади. Ҳар туп ғўза қанчалик соғлом, қанчалик сершох бўлса ҳосили ҳам шунчалик бўлиқ ва салмоқли бўлади. Шунинг учун ҳам ҳар туп ғўза ҳар биримизнинг назоратимизда бўлди. Сувчилар суғориш вақтида бирон туп ҳам ғўзанинг сал бўлсада чанқаб қолишига йўл қўймаслик учун курашсалар, механизаторларимиз унинг шикастланмаслиги учун барча чораларни кўрдилар. Ғўза гуллаб ҳосил тугабошлаган даврда культивация сифатини ошириш ишларининг сифати устидан назорат янада кучайтирилди. Шундай қилиб мўлжалдаги ҳосилни етиштирдик. Тўғри, баъзи карталардаги ғўзаларимиз кечки бўлиб етилди. Лекин ана шу ғўзалардаги мавжуд кўсакларнинг ҳам совуқ тушмасдан илгари етилиши ва очилиши учун қўшимча парваришладик.

Терим йил бўйи қилган меҳнатнинг якунини чиқаришдир. Шунинг учун бу даврда колхозчиларимизнинг уюшқоқлиги айниқса кучайтирилди. Бригадалар бригадалар билан, звеналар звеналар билан мусобақани йўлга қўйдилар. Тани-жони соғ ҳар бир киши ўз зиммасига мажбурият олгани ҳолда этак боғлаб далага чиқди.

Шундай қилиб, терим ишлари авж олдириб юборилди. Колхоз правленеси ва партия ташкилоти терим даври учун белгиланган график ва тадбирларнинг сўзсиз бажарилиши учун барча чораларни кўрди. Коммунист ва комсомолларнинг авангардлиги оширилди.

Илғорларни рағбатлантирдик, қолоқларнинг камчилиги ўз вақтида кўрсатиб турилди. Меҳнат кунларига аванси ўз вақтида бериб турилиши ҳам катта аҳамиятга эга бўлди.

Йирик майдонлардаги ғўзаларни машина теримига мослаштириб ўстирган эдик. Бу ерларнинг пахтасини машинада теріб олиш ҳам намунали ташкил этилди. Рихси Қодирова, Абдужаббор Абдужамилов каби механик-ҳайдовчиларимиз мавсумда 90—100 тоннадан пахта терган бўлсалар, кўпмингкилограммчи теримчиларимиз 8—10 тоннадан пахта тўкишди. Раҳмат, бу азаматларимизнинг ҳимматига

Агар колхоз бўйича ҳосилдорлик ўттиз уч центнерга етган бўлса, дастлабки кунданоқ ишни пухта ташкил этган, ғўза парваришини намунали уюштирган баъзи бир бригадаларда ҳосилдорлик бундан ҳам юқори бўлди. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Анвар Эгамназаров ҳамда Узоқбой Эргашев, Меҳри Шералиева, Ҳамида Қодирова ўртоқлар бошлиқ бригадаларда ҳар гектар ердан 36—40 центнердан пахта олинди. Бу тажрибакорлар ҳосилдорликнинг чегараси йўқлигини, агар ерга яхши ишлов берилса, у деҳқонни сира уялтирмаслигини амалда исбот этдилар.

Ҳозир ҳам далаларимизда сўнгги кўсакларни теріб олишни давом эттирмоқдамиз. Иш конвейер усулида ташкил этилган. Бир томонда ғўзапоялар йиғиштириб олинаётган бўлса, бир томонда шудгорлаш бормоқда. Кузги-қишки тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш мўл ҳосил гарови эканлигини яхши билган колхозчиларимиз кундан-кунга ғайрат қилмоқдалар.

А. МАТҚОБУЛОВ,
«Қизил Ўзбекистон» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

План бажарилгандан кейин ҳам далаларимизда терим давом этмоқда, шу кунларда ҳам тайёрлов пунктларига тонна-тонна «оқ олтин» ҳосили келиб турипти. Суратда Қибрай пахта тайёрлаш пунктига келтирилган пахта транспортёрлар ёрдамида сушилкага туширилаётир.

А. Абалян фотоси.

КЎМАКДОШЛАР

Калинин районидаги Ҳамза номли мактабнинг юқори синф ўқувчилари даладаги ҳосилни йиғиштириб олишда ота-оналарга яқиндан амалий ёрдам бермоқдалар. Айниқса 7—8 синф ўқувчилари кўпан юлишда бошқаларга намуна бўлишди. Бу мактаб ўқувчиларининг ватанпарварлик ишидан «Коммунист» колхозининг деҳқонлари беҳад хурсандлар. Улар қисқа вақт ичида колхознинг 65 тонна пахтасини ва 47 тонна кўсагини териб хирмонга топширдилар.

8-синф ўқувчиларидан Вазира Комилова, Фарида Сайдалиева каби ғайратли қизлар «оқ олтин»ни йиғиштириб олишда жуда яхши меҳнат қилишди. Улар мавсум давомида 4500 килограммга етказиб пахтани теришга муваффақ бўлдилар. Мактаб ўқувчилари бир грамм пахтанинг ҳам далада қолиб кетмаслиги учун ҳаракат қилиб ишлашди.

Р. САДРИДДИНОВ,
Я. МОРДУХАЕВ.

ШУДГОРЛАШ ИЛҒОРЛАРИ

Сейдон ака билан Қудрат ака иккиси ҳам моҳир тракторчи. Улар йилнинг тўрт фаслида ҳам техникани ишлатабилишади. Эрта баҳор уруг экишади, ёзда экинларни парвариш қилишади, куз ва қишда келгуси йил мўл ҳосили учун пухта замин ҳозирлашади. Шу кунларда агар Калинин ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Ленинград» колхозига борсангиз устоз тракторчи Сейдон ака Турхунбеков билан шогирд Қудрат Комиловларни пайкалда — тракторнинг рулини маҳкам ушлаб ер ҳайдаётган пайтда учратасиз.

Кечагина экини йиғиштириб олинган ерлар пешма-пеш шудгор қилиняпти. Сейдон ака билан Қудрат ака иккиси ишни сменали ташкил этишиб, бир кунда 18—20 гектар майдонни сифатли шудгор қилишяпти. Сейдон ака синамоқлик учун Қудрат ака ҳайдаган ернинг чуқурлигини ўлчаб кўради. 30—32 сантиметр чуқурликда ҳайдаганига қаноат ҳосил қилгачгина сменани қабул қилади.

Ҳар бир ишнинг пухта бажарилгани маъқул. Миришкор деҳқонлар даласида ернинг унумдорлигини ошириш мақсадида ҳар гектар ерга шудгор қилишдан аввал 8—10 тоннадан маҳаллий ўғит, 400—450 килограммдан фосфор солинмоқда. Тракторчилар ишнинг бу томонига ҳам жиддий эътибор беришади. Уларнинг ҳар бири 350 гектар майдонни шудгорлаш мажбуриятини олишган эди. Механизаторлар шу кунгача 400 гектарга яқин майдонни шудгордан чиқаришди.

С. МИРЗАЛИЕВ.

МАЖБУРИЯТ ҲАМ БАЖАРИЛАДИ

Пахта бизнинг нефтихоримиз, қимматбаҳо бойлигимиз, еб турган иссиқ нонимиздек азиздир. Уни олтиндан ҳам қиммат, деб бекорга айтишмаган. Шунинг учун ҳам бригадамиз аъзолари пахта майдонида фидокорлик кўрсатмоқдалар.

Бу йил 80 гектар ернинг ҳар гектаридан 32,7 центнердан «оқ олтин» кўтаришга бел боғлаган эдик. Эл олдида уялиб қолмайлик, деб астойдил меҳнат қилдик. Йўқ, ҳаракатимиз зое кетмади. Экинларимиз яхши ҳосил берди. Планларимизни ошириб бажардик. Ҳар гектар ердан 33 центнердан «оқ олтин» теріб олинди.

Биз даладаги ҳосилни чамалаб чиқиб гектаридан яна 5 центнердан ҳосил олишга қарор қилдик. Мақсадимиз ҳосилдорликни 38 центнерданга етказишдир.

Шу кунларда охирги кўсакларни тезроқ теріб олиш ва социалистик мажбуриятимизни ҳам муваффақиятли бажариш учун курашни яна ҳам кучайтириб юбордик. Кунига йиллик планнинг 1,3—1,5 процентн миқдорида пахта тайёрланмоқда. Йил бўйи намунали меҳнат қилиб келган пахтакорларимиз бундан буён ҳам ишни бўшаштиришмайди — келгуси йил ҳосили учун пухта замин тайёрлашади.

Ҳикмат МУРВАТОВ,
«Маданият» колхозининг бригадири.

ИНСТИТУТ МУЗЕЙИ

Тошкент шаҳрининг Патрис Лумумба кўчасидан ўтган киши «Ўзбекистон ССР соғлиқни сақлаш ва медицина тарихи илмий тадқиқот институти» деган вивескага кўз ташлаб ўтади, албатта. Бу илм-фан ўчоғининг ташкил этилганига икки йил бўлди.

Институт ходимлари илмий командировкаларда юриб, республикамизнинг ўтмиш тарихида бўлиб ўтган турли касалликларнинг сабабларини, келиб чиқиши ҳамда бу касалликларга қарши қандай чора ва тадбирлар кўрилганлигини илмий асосда ўрганадилар.

Йиғилган материалларни бир ерга тўплаш мақсадида илмий муассасанинг ўзида музей ҳам ташкил қилинди. Музейга асосан феодализм, капитализм, социализм даврларида қўлланилган медицинага оид турли адабиётлар, асбоблар тўпланмоқда. Ҳозиргача музейда юздан ортиқ тарихий адабиётлар, ҳар хил даврда қўлланилган медицина асбоблари. Ибн Сино даврида қўлланилган тиббий асбоблар ва миниатюраларнинг фото-суратлари бор. Ҳозирги даврда республикамизнинг шаҳар ва қишлоқларида аҳолига қандай медицина хизмати кўрсатилаётганлигини акс эттирувчи фото-суратли альбомлар ҳам тайёрланди.

Институт музейи экспонатларини бойитиш мақсадида Москва, Ленинград, Киев, Рига шаҳарларидаги тарихий музейлар билан мустаҳкам алоқа қилиб туради. Музейни бойитишда институт ходимларидан В. Файбушевич, А. Ибодов ва бошқалар ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар.

А. ИСОҚОВ.

Бу суратга бир қаранг-а! Бахтнёр болалик қувноқлиги акс этиб турибди. Ҳа, пойтахтнинг Куйбишев районидаги 108-болалар боғчасида ўйин-кулги ва хуш чақчақлик ҳукмрон. Жажжи ўғил-қизларнинг опажонлари улар атрофида парвона. Фотомухбиримиз В. Салов кичкинтойларни рақс тушаётган пайтда суратга олди.

АЛЛО... ЎРТОҚ КОМАРОВМИ?

Фараз қилинг, сиз телефон номерини териб, яқин танишингизга қўнғироқ қилдингиз. Лекин орадан бироз вақт ўтар-ўтмас, кутилмаганда трубкадан бутунлай нотаниш бир нишнинг «Сизга ким керак?» деган саволини эшитасиз. Турган гап: сиз излаган кишингизнинг исми-шарифини айтасиз. Трубкадан эса «Бу ерда ундай одам турмайди» деган овоз эшитилади. Шунда ўзингизга-ўзингиз «номердан янглишдиммикин-а» деган савол ҳам бериб кўрасиз. Йўқ, номерингиз тўғрилигига қаноат ҳосил қилгач, яна тера бошлайсиз. Яна бояги киши... У энди товушини бир парда кўтариб «Яхши йигит, аввал номерингизни билиб олинг» дейди-да, зарда билан телефон трубкасини шақ этиб жойига қўяди. Сиз эса узр сўрашга ҳам улгуролмай, «кечирасиз Комаровчилик» дейсизда, мулзам тортиб қолаверасиз.

Ёки аксинча, кундузи иззатда, кечаси хизматда турадиган телефонни эшитгансисиз. Кулманг, ҳурматли газетхон, баъзан шунақаси ҳам учраб туради. Бу қанақа телефон бўлди дейсизми? Ҳа, кечаси ишлайди-да, тонг отиши билан тилдан қолади. Ёки бўлмаса, телефонингизга ёмон кўз тегади-ю, бутунлай ишдан чиқади. Ана шунда сиз ёрдам сўраб 08 номерли ремонт бюросига мурожаат қиласиз. Аслида бу ремонт бюроси эмас, «ваъдахона» деб юритса ҳам бўлади. Чунки бу бюродан ваъдадан бўлак ҳеч қандай ёрдам ололмайсиз. Ҳа, ишонаверинг. Бордию, қаттиқроқ гапирадиган бўлсангиз, трубкадан: «Қўлингиз етган жойга арз қилинг, бўлганимиз шу» деган жавобни оласиз. Дарвоқе, кимга ҳам арз қилаолардингиз. Комаровгами? У кишининг вақтини топиб, қабулида бўлишнинг ўзи бир қоп қумни саноб чиқишдан ҳам мушкул. Айбга буюрмайсиз, чунки буёғи...

Алло, Борис Константинович! Эшитаяпсизми, гап Сизнинг устингизда кетаяпти. Халқимизда «Ишни қилар Мамашариф, балога қолган Муллашариф» деган гап бор. Ишни сиз ва сиз раҳбарлик қилаётган шаҳар телефон станциясининг «ҳозиржавоб» ходимлари қиляпти-ю, лекин лайлак қордек ёғилиб келаётган хилма-хил шикоят ва аризалар «роҳатини» бошқалар кўраяпти. Энди бир-икки оғиз нордон гапларни айтиб ўтишнинг ўрни келди. Акс ҳолда сиздан бирор саёз чиқишини кутиш, худди қиш чилласида саратон иссиғидан умидвор бўлишга ўхшайди.

Алло, гапирдингизми Борис Константинович?... Хўш, унчалик бўлмаса I, II, III-«Оқсой», «Тинчлик» маҳаллаларида яшовчи 42337, 49331, 49338 номерли телефонларнинг эгалари камида икки қовун пишигидан буён ишламай ётган телефон коробкаси тепасида термулиб ўтиришармиди. Родильний кўчасида яшовчи Ўртоқ Қурбонов «касалманд» телефон дардига «шифо» излаб, бир неча пойафзалдан ҳам ажралди. Ахири натижа чиқаролмагач, ўз ҳолига ташлаб қўйди. Ҳозир бу ойдаги телефон «табиати» кўтарса ишлайди, бўлмаса йўқ.

Ҳали юқорида биз кечаси ишлаб, кундузи дам оладиган телефонлар ҳам бор деб айтиб ўтгандик. Факт дейсизми? Масалан, Абдулла Аюпов яшайдиган уйдаги 49338 номерли телефон худди ана шундай. Ўртоқ У. Валиевнинг уйидаги 44954 номерли телефон эса аксинча. Бу телефон афтидан кўпни кўрган бўлса керак. У кундуз куни ишлаб кун ботди дегунча юрт қатори «дам» олади.

Тошкент шаҳар таъминот базасининг директори Ершов, Ўрта Осиё Халқ хўжалиги кенгаши озиқ-овқат саноати махсус таъминот базасининг бошлиғи Жалолов, «Шарқ» мебель фабрикасининг директори Имомбердиев, профессор Қориниёзов ўртоқларга «Телефонингизни тузатгани монтер келяпти» десангиз асло ишонишмайди. Чунки бу масала улар учун худди ҳал қилиб бўлмайдиган муаммо...

Ҳа, гап шундай, Борис Константинович! Профессор Қориниёзов арзимаган бузуқ телефон кетида май ойидан буён Сизнинг остонангизга қатнайди.

Гапиринг Борис Константинович! Наҳотки бирорта монтер юбориб, ана шу бузуқ телефонларни тузатиш, шунчалик муаммо бўлса!

Бу шунчалик йўл-йўлакай айтиб ўтиладиган гаплар. Ҳали гапнинг каттаси бу томонда турибди... Ҳамасини етказишибди-да дейсизми? Қизиқсиз, «бўш қопда бигиз туради» деб ким айтди сизга. Шундай хаёлда юрган бўлсангиз, ҳали ҳам чучваранги хомлигида санаб келаётган экансиз. Ҳа, сиз «гойибдан» келган путевка ҳисобига хотинингиз ва икки қизингиз билан Иссиқ кўлда хордиқ чиқариб келганингиздан тортиб. Сарикўл кўчасидаги электросбит магазинига ҳеч қандай гап-сўзсиз концентратор аппарати ўрнатиб берганингизгача бизга маълум.

Гапнинг лекини ҳам шунда-да, айтайлик сиз шунчалик «гамхўр», «ҳозиржавоб» раҳбар экансиз, нима учун ўртоқ Н. Хўжаев яшаётган Шота Руставели кўчаси 43-уйдаги телефон 4 ойдан буён «соқов» бўлиб ётди. Нима учун Кафанов кўчаси 39-уйда турувчи, 8 фарзандинг отаси Устаев телефон учун ҳақ тўлаб, ками бир йилдан буён ваъдадан бўлак ҳеч нарса ололмай келяпти. Нима учун Сув хўжалиги министрлиги йўлларга бўйича қурилиш трестининг бошлиғи ўртоқ В. Ф. Иванов остонангизга 3 йил қатнаб ҳам натижа чиқаролмади. Чунки «соддадил» ўртоқ Иванов сизнинг бармоқ қарсиллатиб, «техник имконият йўқ» деган учирма рўқочларингизга тушунолмади.

Аксинча сиз унга янги телефон ўрнатиш ўрнига, мавжуд 36477 номерли телефонни ҳам шахсий, квартирага параллель қилиб улаб қўйдингиз.

Тошкент темир йўл инженерлари институтининг ўқитувчиси В. П. Тарсин, 1-Кафаков кечаси 21-уйда турувчи ўртоқ М. С. Садовойлар воқеаси бундан ҳам қизиқ. Бу ўртоқлар 4 йилдан буён телефон ўрнатишни сўраб кирмаган эшиклари, бормаган идоралари қолмади. Ахири республика Алоқа хинистри ўртоқ Шарковдан иккинчи марта рухсат олганларидан кейинги воқеа қуйидагича бўлиб якунланди.

Ўрта Осиё темир йўл бошқармасининг инженери Е. Б. Воскресенская нима бўладию, шу йил сентябрь ойида Рижова шаҳрида командировкада юрган турмуш ўртоғи Тарсинга хат орқали хушхабар юбориб телефон қурилганлигини етказади ва қўнғироқ қилишини сўрайди...

Афсуски, трубкани Воскресенская эмас, бошқа квартирада яшовчи Арушанский олишга «муваффақ» бўлади. Шунда Тарсин «Бу бизнинг квартирами?» деган саволига «Сиз эсингизни еднингизми» деган жавобни олади. Тарвузи қўлтиғидан тушган Тарсин «кечирасиз» дейдида, чор-ночор трубкани ўрнига қўяди.

Яқин ўртада Тошкент шаҳар телефон станциясининг тонлаб кетган иш тажрибаси бирор ташкилотда мухокама қилинармиш. Ажаб эмаски, бу гап тўғри чиқиб, шундан кейингина ишлар оқарсувдек юришиб кетса...

З. УБАЙДУЛЛАЕВ,
А. ШАЯХОВ.

КЎЧАТ ЎТҚАЗИШ ОЙЛИГИ

ЎЗ КУЧЛАРИ БИЛАН

Мана, икки-уч йил муқаддам экилган ёш ниҳолларнинг олди бу йил ҳосилга кирди. Терак ва мажнун толлар эса соя-салқин берадиган бўлиб қолди.

Чилонзор районидаги «2-Чарх камолон» маҳалласи меҳнаткашлари бу йил кузда кўча ва уйлари ёнига икки минг туп кўчат ўтқазишга қарор қилишган эди. Ҳозир маҳалланинг барча аҳолиси бу ишга бир жон, бир тан бўлиб киришди.

Р. Ҳасанов.

СОҲИБКОРЛАР

Кўчат ўтқазиш ойлиги давом этаётган шу кунларда Ленин районининг Болгарское огород массивидаги боғ четлари, Автобусная, 2-Сарикўл, Новий путь, Лазо ва Самолётная кўчаларида район агрономи В. Какурин раҳбарлигида Н. Қаландаров бошлиқ бригада минглаб декоратив ва мевали дарахт кўчатлари ўтқазмоқда. А. Мамажонов, Л. Каримова, Р. Биккина сингари боғбонлар бу ишда, айниқса ҳаммага намуна бўлмоқдалар. Район бўйича бу кузда 52 минг туп кўчат ўтказилади.

И. Рустамов.

ЧАНҒИЛИ АВТОМОБИЛЬ

Ерда ҳаракат қилишнинг атиги бир неча системаси бор. Булар аввало ғилдирак, гусеница ҳамда асосан экскаваторларда қўлланиладиган ўрмаловчи қурилмалардир. Ана шу учта ҳаракат механизмидан бошқа мақсадга мувофиқ ҳаракат механизмларини яратиш учун қилинган ҳамма ҳаракатлар шу вақтгача фойда бермади. Мингоёқ ёки ўргумчак ҳаракатига ўхшатиб яратилган шарниклар ҳам шулар жумласига киради.

Шу жиҳатдан қараганда СССР да ихтирочи Константин Карпухин томонидан таклиф этилган ҳаракатнинг янгича усули жуда қизиқарлидир.

Кўпинча тебраниш зарарли ва ҳаттоки хавфли деб ҳисобланади. Бироқ кейинги вақтда вибрациядан техникада бетонни зичлаштириш, қуришлда йирик свайларни ерга қоқиш, турли материалларни сортларга ажратиш ва ёйиш ҳамда уларни транспортга ортишда тобора кўпроқ қўлланилмоқда. Ҳозирги замон техникасида кўпгина тебранувчи конвейерлар бўлиб, уларда сочилувчан материаллар жуда катта тезликда ҳаракат қилади.

Инженер Карпухин ихтиро қилган транспорт машиналарида ана шу илғор принцип тўла қўлланилди. Автомобиль бунда иккита ёки тўртта қисқа ва узун панжасимон чанғиларга таяниб туради. Унда эгилувчан осма, пневматик рессорлар бўлиб, улар ҳаракатлантирувчи қисмнинг тебранишларини пасайтиради. Ҳар бир чанғи секундининг жуда ҳам кичик бўлаги давомида кўтарилади ва ҳавода жуда кичик қадам ташлайди, сўнгра ерга таяниб ҳаракатга келади. Бу ҳаракат автомобилни олдинга силжитади.

Ана шу принципга асосланиб, бу машина горизонтал ер юзасидагина ҳаракат қилиб қолмай, балки тик тепаликларга ҳатто оддий автомобиллар учун кўтарилиш қийин бўлган баландликларга ҳам кўтарила олади. У ҳатто гусеницали машиналар юра олмайдиган жойларга ҳам кўтарилаолади.

Ҳозир тезлиги унча катта бўлмаган ана шу машина моделлари синовдан ўтказилаётир. Машинанинг бундай секин тезликда ҳаракат қилиши умуман энерция-импульс ҳаракати принципининг камчилиги эмас.

Агар ҳозирги вақтда Константин Карпухининг «виброход»лари секин юрадиган машиналарда қўлланилаётган бўлса, келажакда «виброход»нинг тезлиги енгил автомобиллар тезлиги даражасига етказилади. Бунда инерция импульслари ҳосил қиладиган дисбалансларда ҳамда ҳаракатлантирувчи қисмлар бўлган тебранувчи чанғиларда ҳам ғоят зўр кучланишлар юзага келиши мумкин. Аммо юқори механик кучланишларга чидамли бўлган янги материаллардан чанғилар тайёрланадиган бўлса, бу камчилик ҳам тўла йўқотилади.

Қуруқликда юрадиган янги машинанинг катта афзаллиги шундаки, у жуда содда, чидамли бўлиб, резинадан ишланадиган ишларни талаб қилмайди. Ҳолбуки, планетамизда ишлаб чиқарилган каучукнинг деярли ярми ана шундай шиналар тайёрлашга сарфланади. Бу машина унчалик мураккаб бўлмай, арзон тушади.

Мутахассислар, виброходнинг келажаги порлоқ деб ҳисоблайдилар.

Юрий МОРАЛЕВИЧ,
илмий обзорчи. (АПН).

ТИРАЖ ТОШКЕНТДА ЎТКАЗИЛАДИ

Уч процентли давлат ички ютуқлар заёмининг навбатдаги 96-асосий тиражи пойтахтимиз Тошкентда ўтказилади. Шу муносабат билан давлат меҳнат омонат кассалари ва давлат кредити шаҳар бошқармасининг бошлиғи А. Соатов мухбиримизга қуйидагиларни айтди:

— Уч процентли заёмлар меҳнаткашлар учун пул жамғармалари сақлашнинг энг қулай ва фойдали усулидир. Ҳар йили ўйналадиган ютуқлар тиражи 6 га асосий ва битта қўшимча тираждан иборат бўлади. Заём облигациялари бўйича ютиш эҳтимоли ҳар бир тираж ўтган сайин орта боради, чунки ютуқ чиққан заёмлар кейинги тиражларда қатнашмайди. Лекин ўйналадиган ютуқлар сони эса ўзгармай турaверади.

Пойтахтимизда 3 процентли давлат ички ютуқлар заёмининг тиражи бундан беш йил аввал ўтказилган эди. Ўша вақтдан бери шаҳар омонат кассаларининг сони ортди. Ҳозир Тошкентда 201 та омонат кассаси бўлиб, уларнинг ҳаммасидан 3 процентли заёмлар сотиб олиш мумкин.

Йил бошидан буён шу кунгача шаҳар омонат кассалари томонидан аҳолига 1.950 минг сўмлик 3 процентли заём облигациялари сотилди ва 1.140 минг сўмлик пул ютуғи тўланди. Биргина сентябрь ойининг ўзидагина 200 минг сўмлик ютуқ тўланди. Масалан, М. исмли киши 44-номерли 52 812 серияли заёмга 2500 сўм, Л. исмли ишчи 41-номерли 67294 серияли заём облигациясига 1000 сўм ютди. Шаҳримизда яшовчи 30 дан ортиқ кишига эса 100 сўмдан ютуқ чиқди. 30 ноябрда Тошкентда ўйналадиган ютуқлар тиражида, шубҳасиз, яна кўп кишиларга ютуқ чиқади.

Мамлакатлар Одамлар Воқеалар

ОСВАЛЬДНИНГ ҚОТИЛИГА РАСМИЙ СУРАТДА АЙБ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

НЬЮ-ЙОРК, 27 ноябрь. (ТАСС). Даллас шаҳар округ прокурори Генри Уэйд маҳкамаси, катта жюри Жек Рубига Ли Харви Освальдни ўлдиришда расмий равишда айб эълон қилганлигини матбуот вакилларига айтди.

Руби 9 декабрда суд қилинади.

Освальдни ўлдирган киши

НЬЮ-ЙОРК, 26 ноябрь. (ТАСС). Телеграф агентликлари ва газеталар Освальдни ўлдирган Руби лақаби Жек Рубинштейннинг нимлиги тўғрисида янги тафсилотларни босиб чиқармоқдалар. Ли Освальд (президент Кеннедини ўлдирганлиги ёки ўлдирмаганлигидан қатъий назар) мудҳиш жиноятнинг асил сабаблари тўғрисида бошқа ҳар қандай нишига қараганда нўпроқ маълумотларни айтиб бериши мумкин эди.

«Нью-Йорк Таймс» газетасида босилган хабарда Рубининг гангстерлик фаолиятининг «Чикаго даври» ёритиб берилган. Газетадаги бу хабарда Америка гангстерларининг феъл-атвори ёрқин тасвирланади.

«Асли номи Леон Рубинштейн бўлган Руби, дейилади «Нью-Йорк Таймс» газетасининг хабарида, бундан 52 йил муқаддам Чикагода туғилган». Маҳаллий полиция ходимларидан бирининг айтишига қараганда, у 1954 йилда ўлдирилган Поль Лабриола билан ва афюн сотишда айбланиб, ҳозир федерал турмада қамалиб ётган Поль Р. Жонс билан дўстона муносабатларда бўлган. Руби бундан 15 йилча муқаддам Далласга кўчиб келган.

Далласдагиларнинг айтишига қараганда, Жонс ва Лабриола 1946 йилда Далласга келиб, Рубининг қовоқхонасига тез-тез бориб турганлар, бу ерда шаҳар полиция бошлиғини пора бериб сотиб олишга уринган бўлсалар ҳам, натижа чиқара олмаганлар.

Федерал тергов бюросининг Чикагодаги ходимлари Рубининг ахлат тозаловчилар касаба союзи билан 1957 йилдаги алоқаларига нўпроқ эътибор бердилар. Бу касаба союз порахўрлик билан шуғулланишда айбланиб, Америка меҳнат федерацияси — ишлаб чиқариш касаба союзлари конгресси аъзолигидан чиқарилган эди.

Бу касаба союзни Руби ва адвокат Леон Р. Кук 1937 йилда ташкил этганлар. Орадан 2 йил ўтгач, Кук отиб ўлдирилган.

«Спарки» лақаби билан танилган Руби бир оз вақт касаба союз секретари бўлиб ишлаб, 1940 йилда бу ишни ташлаб кетган. Юк машиналарининг шоферлари ва склад ишчилари касаба союзининг раҳбари Жеймс Хоффанинг яқин ошнаси Поль Дорфмен мазкур касаба союзни ўз нўлига ўтказиб олганидан кейин Руби шу касаба союзни ташлаб кетган экан.

Касаба союзлардаги сунистеъмол қилиш фактларини 1959 йилда текширган сенат комиссияси бу касаба союз Хоффа билан жиноятчиларнинг ташкилотларини бир-бирига боғловчи халқа эканлигини аниқлаган. Комиссия мазкур касаба союздан Руби чиқиб кетганидан кейинги йилларда шу касаба союз порахўрлик, одамларни калтаклаш ва ўлдириш билан шуғулланиб келганлигини очиб ташлаган.

Чикагодагиларнинг айтишларига қараганда, Руби спорт мусобақаларида билет олиб-сотиш билан шуғулланиб юрган, тотализаторлар ва қиморхоналарга ҳамиша келиб юрган ва «полициягa маълум бўлган бошқа типлар» билан яхши таниш бўлган. У боксчиларнинг матчларида ва бейсбол ўйинларида ўйналган қиморларда оз-моз сўналар қўйиб қатнашган.

Айтишларига қараганда, у 1948 йилда гангстерлар томонидан ўлдирилган Натан Гамбин деган бой савдогар билан таниш бўлган. Руби касаба союзда ишлаб юрган ва қиморхонага тез-тез бориб турган вақтларида шу қиморхонанинг доимий жазмани Гамбин билан амалий алоқаларда бўлган.

Юрист Льюис Катнернинг айтишига қараганда, сенат комиссияси 1949 йилда текширишлар ўтказаётган вақтда Руби жиноятчилар ташкилотининг комиссиядаги алоқачиси бўлишга ҳаракат қилган бўлса керак.

Катнер, ўша вақтда Руби комиссиянинг «кенгашчиси» бўлиб олган эди, деди:

Полиция капитани Льюис Каппарелли ҳам Рубини танигганлигини айтди.

Капитан бундай деди: «Руби улар айтганидек, асло жанжалкаш одам бўлган эмас, лекин бирор нарсани сотмоқчи бўлганида у ўзининг молини ўтқизмасдан қўймас эди. У ўзини кўз-кўз қилишни ёки донг чиқаришни яхши кўрар эди, айтиш мумкинки, у полициячи бўлса арзигулик одам деб ўйлайман».

Ҳозир жазоирликлар улуғ доҳи Владимир Ильич Ленининг асарларини, шунингдек СССР да Октябрь социалистик революциясига ва Шимолий Африка мамлакати тарихига доир китобларни сотиб олишмоқда. Бундай китоблар мустамлака режими ҳукм сурган даврда тақиқланган эди.

В. Будан фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

Реклама ва эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

29 НОЯБРДА

Ўзбек тилида: 18.00 — **Диафильмлар** (кичкинтойлар учун). 18.25 — **Телевизион янгиликлар.** 18.45 — **Дала ишлари кундалиги.** 19.05 — **Она-қалби** номли бадиий фильм. 20.30 — **Оталар сўзи — ақлнинг кўзи.**

Рус тилида: 21.10 — **Телевизион янгиликлар.** 21.30 — **Карл-Окурок** (мультипликацион фильм. 21.50— **Юрак яна тепмоқда** номли бадиий фильм. 23.20 — **Реклама ва эълонлар.**

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 29/XI да **Флория Тоска.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 29/XI да **Номаълум ниши,** 30/XI да **Ҳаётбахш ўлим.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 29/XI да **Алпомиш,** 30/XI да **Ватан ишқи.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — РСФСР ва Доғистон АССР халқ артисти **Я. Ганиқурбонов** раҳбарлигида **Доғистон цирки артистлари гастроли** ва **Дун Цин-фу** раҳбарлигида **Оригинал аттракцион.** Кеч соат 8 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

КИНО

Эрталабки поездлар — «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

Гангстерлар ва филантроплар — НАВОИЙ номли, «ИСКРА», «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Орзу сари — «ВАТАН» (эрталаб соат 10 ва 11.45 минутда), «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Актриса — НАВОИЙ номли (эрталаб соат 10 да).

Симладаги севги (1 ва 2-серияси) — «ВАТАН» (кундуз соат 1, 3, кеч 6 ва 9 да).

РЕСПУБЛИКА ГАЗЕТА ва журналларига ҲАМДА ОБЛАСТЬ ГАЗЕТАЛАРИГА 1964 ЙИЛ УЧУН

ОБУНА ҚИЛИНМОҚДА

ГАЗЕТАЛАР:

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока», «Ўзбекистони сурх», «Ленин байроғи», «Ёш ленинчи», «Комсомолец Узбекистана», «Ленин учқуни», «Пионер Востока», «Тошкент ҳақиқати», «Ташкентская правда», «Ўзбекистон маданияти», «Неос Дромос».

ЖУРНАЛЛАР:

«Ўзбекистон коммунисти», «Коммунист Узбекистана», «Партия турмуши», «Партийная жизнь», «Агитатор блокноти», «Блокнот агитатора», «Ўзбекистон», «Ўзбекистон хотин-қизлари», «Муштум», «Маҳаллий матбуот ходимларига ёрдам», «В помощь работникам местной печати», «Гулхан», «Ғунча», «Шарқ юлдузи», «Звезда Востока», «Фан қўқида суҳбатлар», «Ўзбекистон «Билим» жамияти лекциялари», Рангли плакатлар сериясы, «Муштум» журналининг сатирик плакатлари.

Обуна «Союзпечать» бўлимларида, алоқа бўлимлари ва конторларида, корхона ва муассасалардаги жамоатчи вакиллар томонидан ҳар қанча нусхага қабул қилинади.

Бирлашган нашриёт, Ўзбекистон ССР Алоқа министрлигининг «Союзпечать» республика дирекцияси.

МУАССАСА, КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ВА БОШ (СТАРШИЙ) БУХГАЛТЕРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ УНИВЕРМАГИДАН НАСИЯГА ТОВАР ОЛИШ УЧУН

ишчи ва хизматчиларга берилади-ган мажбурият қогозида рекеизитлар тўғри кўрсатилиб, мажбуриятноманинг номери ва берилган куни рақам билан, ойи эса ёзув билан ёзилиши лозим.

Бундан ташқари, мажбуриятномага қўл қўювчи раҳбар ва бош (старший) бухгалтернинг фамилияси қавс ичида кўрсатилиши керак.

Собир Раҳимов кўчаси, 4-тупик, 40-уйда турувчи **Низом Ғуломов**нинг Сағбон кўчаси, Мақола проезд, 3-тупик, 6-уйда турувчи Нафиса Файзуллаева (Ғуломова)дан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район халқ судида кўрилади.

Чирчиқ шаҳар, Совет кўчаси, 10-уй, 7-квартирада турувчи **Леонид Шмулевич Манилисниг** Тошкент шаҳар, Сапёрная кўчаси, 126-уйда турувчи Стелла Ароновна Манилисдан ажралиш ҳақидаги иши Чирчиқ шаҳар халқ судида кўрилади.

Редактор А. ИСМОИЛОВ

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — *Орган Ташкентских промышленного и сельского областных комитетов КП Узбекистана, Ташкентского горкома КП Узбекистана, промышленного, сельского областных и городского Советов депутатов трудящихся.*

Бизнинг АДРЕС: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: редактор — 29004. Редактор ўринбосари — 26232. Масъул секретарь — 34808. Секретариат — 31936, Идеология бўлими — 25885. Саноат ишлаб чиқариши ва партия ишлари бўлими — 33786. Қурилиш ва партия ишлари бўлими — 33786. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва партия ишлари бўлими — 29040. Совет ишлари, маиший ва шаҳар хўжалиги бўлими — 33786. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари бўлими — 28761. Ахборот ва спорт бўлими — 33786. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 34048. Эълонлар бўлими — 28142. Коммутатор — 30249 дан 30258 гача.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси

Р. 14886. Индекс 64695. Нашр. № 1732.